

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

“Менежмент” кафедраси

“Менежмент назарияси” фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: БОЗОР ИКТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ
РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ.**

Бажарди: 13-11 Мў гурух
талабаси Мукимов Сарвар
Раҳбар: Жуманиёзов Баходир

Тошкент 2013

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Менежмент” кафедраси мудири

_____ Давлетов И.Х.

2012 йил “ ____ ” _____

“Менежмент назарияси” фанидан курс ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

Гуруҳ _____ 13-11 Мў _____ Талаба _____ Мукимов Сарвар

1. Ишнинг мавзуси: Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш асослари.

2. Фойдаланилган материаллар ва маълумотлар:

- ✚ И.А.Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтшнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1995.
- ✚ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истикболнинг тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995.
- ✚ Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги қонун. 1990 йил 31 октябр. - Ўзбекистон ССР Олий Советининг Веломостлари, 1990 йил №31-33.
- ✚ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислои Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
- ✚ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги қонуни. «Солиқ тўловчининг журнали», №2, 1999.

3. Курс иши тузилиши (режаси):

- 1.Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш
2. Ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этиш назариялари
3. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

4. Топшириқ берилган сана: _____

5. Курс ишини ҳимоя қилиш санаси: _____

Раҳбар: _____

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш асослари

	Кириш	4
I боб	Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш назариялари.....	7
1.1	Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш шакллари.....	7
1.2	Ишлаб чиқаришни бошқариш ва тартибга солишда молиядан фойдаланиш.....	12
1.3	Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришни баҳолаш	15
II боб	Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	19
2.1	Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.....	19
2.2	Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда режалаштириш ва бошқаришнинг асосий йўналишлари.....	23
2.3	Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкилий тузилмалари ва бошқариш усуллари	28
	Хулоса.....	39
		41
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги Мамлакатимиз тараққиётининг ижтимоий йўналтирилган бозори иқтисодиёти йўлининг танланиши хўжалик юритиш шакллариининг хилма-хиллиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кучайишини тақозо этади. Бу ҳол республикаимизда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ хўжалиги қорхоналари фаолиятининг шаклланиши, хўжалик юритиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли – туман янги шакллариини ташкил топишига ва ўз фаолиятини юксалтириб боришига олиб келмоқда. Бугунги ишлаб чиқариш ва ноишлабчиқариш қорхоналарининг кундаги энг асосий муаммолардан бири ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришни замонавий усуллариини жорий этиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистон иқтисодий тизими трансформацияси рақобатчилик муҳитида бозорнинг мутаносиб талабларига кўра туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва хўжалик юритишнинг янги иштирокчиларининг (субъектларининг) шаклланишига сабаб бўлди. Булар қаторига биринчи навбатда мавжуд ишлаб чиқариш субъектларини хусусийлаштириш ва қайта ташкил этиш, шунингдек, нодавлат ва юридик ташкилотлар улушлари иштирок этган кичик ва ўрта фирмаларни киритиш лозим.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятлари нафақат ўтиш даври хусусиятлари, балки ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг миллий модели хусусиятлари, халқимизнинг ўзига хос анъаналари, иқтисодий кўникмалари билан ҳам ифодаланади-ки, қатор илмий тадқиқотларда бу нарсга аҳамиятдан четда қолгани ҳолда, муаммо бошқа давлатлар тажрибасига асосланган равишда ҳал этилади. Бу эса келажакда ўз натижасини бериши керак, деб қўйилган қатор ҳолатларда иқтисодимиз асосларига панд бериб қўяётгани сир эмас. Шундай экан, ушбу ишда юқоридаги масаларга хусусий ва умумий ёндашган тарзда, бу кенг қамровли муаммони қисман бўлсада ёритишга ҳаракат қилинган ва илмий ва тажрибавий асосларга таянган ҳолда таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган.

Маълумки, деярли ҳамма ҳолларда натижанинг нечоғлик самара бериши кўп жиҳатдан ушбу қорхонада режалаштириш ва бошқарув аппарати ҳамда унинг ташкил этилиш шаклига чамбарчас боғлиқ бўлади.

Илмий менежмент асосчиларидан бири саналмиш Анри Файольнинг «Бошқариш – қўрабилиш, режалаштириш, ташкиллаштириш, гуруҳга етакчилик қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш демакдир», деган фикрларида бошқаришнинг асосий функциялари ўз аксини топган.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат мулкчиликни барча шакллариинан бирдай фойдаланиш, натижада эркин бозор, пул муносабатларига асосланган, иқтисодий тизим ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга қаратилган. Бундай мақсадни амалга оширишда албатта, режалаштириш ва бошқарув тизимида тиғизликлар юзага келиши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Юзага келган бундай тиғизликни бартараф этишда мамлакат иқтисодиётига киритилган сармоялардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш қорхоналари фаолиятини режалаштириш ва уларни бошқаришда мавжуд усулларбилан бирга янги ва замонавий режалаштириш ва бошқарув технологиялардан самарали фойдаланишни алоҳида эътиборга олиш лозим.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Ушбу мавзу долзарблиги ва иқтисодиётни такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, мавзу юзасидан хорижлик олимлардан Гитман Л., Джон М.Д., Родионов Ю., Портер Р.С., Деверюкс Д., Робертс Б.лар илмий янгиликлар яратган бўлсалар, маҳаллий олимлардан Чжен В.А., Фуломов С.С., Абдуллаев Ё.А., Умурзоқов Ж.Ш., Додобоев

Ю., Абдухамидов А., Вахобов А., Ишбутаева Х., Эшниевова Х., Низомова Ш.лар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлишган.

Тадқиқот мавзусининг мақсади ва вазифалари Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни шакллантириш тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини режалаштириш ва бошқаришда бошқарувнинг турли тажрибада синалган усулларида фойдаланишнинг ўрни бекиёс каттадир.

Хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарида ойлик, чораклик ва йиллик режалаштириш, шунингдек бошқарувнинг оператив ва коллегиал усулларида фойланиш муҳим ўрин тутди.

Бозор муносабатлари шароитида мулкчилик шакллари ўзгариши, бундай режалаштириш ва бошқарув усулларида комбинациялашган ҳолда фойдаланишни талаб қилган ҳолда, авторитар, либерал ва аралаш бошқарув усулларида ўзига хос томонларидан фойдаланишни тақозо этади.

Тадқиқот мавзусини танлашдан кўзланган дастлабки ва асосий мақсад юқорида санаб ўтилган вазифаларни ечимини топиш учун, мамлакат, хусусан ишлаб чиқариш корхоналарида режалаштириш ва бошқарувнинг янгича ва самарали усулларида ишлаб чиқиш ва тақлифлар бериш ҳамда тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқаришга жалб этишдан иборат.

Тадқиқотнинг услуб ва услубияти Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар маҳкамаси Қарорлари, турли профессор олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Шунингдек таҳлил юритишда индукция, дедукция, таҳлил ва боғлиқлик, маълумийликдан аниқликка силжиш усуллари билан бир қаторда анализ, синтез, статистик ва математик кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Тадқиқотнинг дастлабки илмий янгилиги шу бўлдики, тадқиқотда илк бор вилоят иқтисодиётида паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган объектларда режалаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларни бошқариш масаласи таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқотда ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини режалаштириш ва ушбу режадан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ишлаб чиқариш корхонасида янгича ноанъанавий бошқарув йўналишлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти Маълумки Наманган вилояти Ўзбекистон Республикасининг шарқий қисмида, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган. Кейинги йилларда вилоят ялпи ички маҳсулотининг асосий ташкил этувчи манбааси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг салмоғи юқори бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби саноат корхоналарининг моддий ва молиявий ресурслари билан, шунингдек, корхоналарда режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигидир. Бу эса саноат корхоналарининг иқтисодий потенциални яхшилаш борасида бир қатор янгича амалий ислохотлар ўтказиш, иқтисодиётнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган янгича соҳаларини ишга тушириш ҳисобига иқтисодиётни мустаҳкамлашни талаб этади.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг режалаштириш ва бошқариш ҳамда улардан оқилона фойдаланишнинг истиқболли жиҳатларини тақлиф этишга йўналтирилган ушбу илмий тадқиқот иши юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам бериши, шубҳасиз.

Тадқиқот ишининг ҳажми Битирув малакавий иши кириш қисми, учта боб, саккизта параграф, хулоса ва тақлифлар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, услуб ва услубияти, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш назарияларига бағишланган **биринчи боб**, уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш шакллари назарий жihatдан ўрганилган, иккинчи қисмда ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва савдо-экспортни режалаштириш ва бошқариш ва учинчи қисмда ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришни баҳолаш назарий жihatдан ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари иккинчи боби ҳам уч қисмдан ташкил топади. Иккинчи бобнинг биринчи қисмида замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иккинчи қисмда, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва учинчи қисмда бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкилий тузилмалари ва бошқариш усуллари таҳлил этилади.

I. ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БОШКАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ НАЗАРИЯЛАРИ.

1.1 Бозор иктисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш тушунчаси ва унинг объектив зарурияти

“Режалаштириш бу – қарорлар қабул қилишда келажакка йўналтирилган бир тизимга туширилган жараёндир”.

Немис олими Д. Хан

Режалаштириш технологияси етарлича ишлаб чиқилган ва ҳамиша амалда қўлланади. Корхонанинг асосий тамойиллари ва ғояларидан келиб чиққан ҳолда умумий олганда нима қилиш кераклигини ақс эттирувчи стратегик мақсадлари шакллантирилади. Сўнгра улар умумий вазифалар даражасигача, умумий вазифалар эса ўз навбатида аниқ кўрсатмалар даражасигача аниқлаштирилади. Кейин керакли барча – кадрлар бўйича, моддий, молиявий, даврий ресурслар ҳисобланиб, зарур ҳолларда, мақсад ва вазифалар қайта кўриб чиқилади. Оқибатда ҳақиқатда татбиқ этса бўладиган режа олинади. Шу билан бирга, кўзда тутилмаган ҳолатлар учун заҳиравий режа ҳам тайёр бўлиши талаб этилади.

Режалаштиришни жараён сифатида қуйидаги босқичларга ажратишни таклиф этган бўлардим:

1. Мақсад қўйиш (мақсадни шакллантириш). Бу энг қийин босқич саналиб, корхонанинг келажаги раҳбарнинг мақсадни қандай қўйганлиги ва унинг етарлича аниқ ифодаланганлигига бевосита боғлиқдир.

2. Қўйилган мақсадни амалга ошириш усуллари тўплаш, таҳлил этиш ва баҳолаш. Бунда тўпланган усуллар ичидан энг оптималини танлаш, шароитни етарлича таҳлил этган ҳолда унга баҳо бериш назарда тутилмоқда.

3. Амалга оширилиниши лозим фаолиятлар тартибини тузиш. Бунда мақсадга эришишнинг аввалги босқичда танланган усулини амалга ошириш учун айнан нималар қилиш кераклигини ифодалаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

4. Фаолият дастурини тузиш. Бу босқичда бундан аввалги босқичда кўзда тутилган фаолиятни ўзаро боғлиқлик даражасини сақлаган ҳолда қай тартибда бажарилиши ақс эттирилади.

5. Ресурслар таҳлили. Режани амалга ошириш учун қандай моддий, молиявий, ахборот ресурслари ва кадрлар талаб этилишини аниқлаб олиш ва режанинг амалга оширилиниши муддатларини ҳам таҳлил этиш талаб этилади.

6. Режанинг ишлаб чиқилган варианти таҳлили. Ишлаб чиқилган режа юқоридаги мақсадларнинг барчасини қамраб олиши даражаси, режани оптималлаштириш бўйича фикрлар таҳлил этилиши лозим.

7. Фаолият режасини туркумлаштириш. Алоҳида бир иш ва вазифаларнинг аниқ кўрсатилган, даврий жиҳатдан ҳисобланган режаларини ишлаб чиқиш ва ҳар бир алоҳида вазифа учун масъулиятли шахсни тайинлаш.

8. Режанинг амалиётга татбиқ этилишини назорат қилиш. Бу босқичда бошқарувчининг назорат қила билиш ва мувофиқлаштириш хусусиятлари намоён бўлиб, юқорида саналган босқичларда юз берган чекинишлар мувофиқлаштирилади.

Режалаштиришнинг энг самарали усули бу математик режалаштиришдир. Математик режалаштиришда Л.В. Канторович томонидан ишлаб чиқилган *ресурслардан оптимал фойдаланиш назарияси* бугунги кунда барча давлатлар корхоналарида бизнес режалаштиришда энг кўп қўлланиладиган усулдир.

Ҳар бир раҳбар ёки бошқарувчи ўзи юритаётган фаолиятни энг самарали кўрсаткичига эришишга ҳаракат қилади. Бунинг учун эса ҳар кимнинг ўз ёндашув усуллари ва технологиялари мавжуддир. Магистрлик диссертациясида таклиф этилаётган корхонанинг оптимал бошқарилишидаги жараёнлар ва ҳар бир жараён учун қўлланиладиган услуб ва технологияларни қисқача қуйидаги жадвал кўринишида ақс эттириш мумкин:

**Ишлаб чиқариш корхоналарининг оптимал
бошқарилиш жараёнлари**

Иш(операция, фаолият) шакли	Услуб, ёндашув, технологиялар
Ситуацион таҳлил <i>Корхонанинг макроқобиғи:</i> • иқтисодиёт ва сиёсат; • технология ва экология; • ҳуқуқий таъминот; • демография, жамият.	• ахборотномалар, лойиҳалар, ҳисоботлар, статистик маълумотлар; • идоравий тадқиқотлар, ахборот тўплаш, сегментларга ажратиш, таҳлил ва статистик баҳолашнинг турли усуллари;
<i>Бевосита муҳити (ташқи алоқалар, бозор субъектлари):</i> • буюртмачилар; • даллоллар; • рақобатчилар; • ташқи таъсирлар; • жамоатчилик; • таъминотчилар.	• бозор ҳолати таҳлили, корхонанинг тижорат маркаси ва обрўсига муносабат; • рақобатчилик ва бошқа таъсирлар таҳлили (билвосита ва бевосита кузатишлар асосида).
<i>Корхонанинг ўзи:</i> • аввалги стратегик мақсадларнинг амалга ошириш натижалари; • маркетинг кўрсаткичлари ҳолати бўйича баҳолаш; • имконият ва ресурслар; • маркетинг инфратузилмаси.	• солиштирма таҳлил «мақсад – режа – факт – оптималлаштириш – инкор»; • сабабий таҳлил, пирамидал тизим; • имкониятлар ва қобилятлар таҳлили ва уларни баҳолаш; • ахборот хизмати, мухосиблик ва оператив ҳисоб.
<i>Конфронтал таҳлил(ташқилот – рақобатчи):</i> маркетинг бирликлари ҳисоби ёрдамида имкониятларни баҳолаш орқали заиф ва кучли томонларини аниқлаштириш.	• SWOT таҳлили; • солиштирма таҳлил усуллари.
<i>Маркетинг ҳолати кўрсаткичларининг хусусий таҳлили:</i> • стратегик бирликларнинг бозор нархлари доирасидаги таҳлил; • маҳсулотнинг ҳаёт цикли давомидаги савдо, фойда ва харажатлари жараёни таҳлили; • савдо харажатлари улуши таҳлили; • «маҳсулот – бозор – маҳсулот айланмаси – даромад – харажатлар» жараёни таҳлили.	• буюртма портфели таҳлили (Boston Consulting Group, Mc Kinsey усулига кўра, пул бирликларининг портфель ва тушум таҳлиллари уйғунлиги); • маҳсулотнинг ҳаёт цикли давомидаги тарқатилиниши (реализацияси) таҳлили усули; • ABC-таҳлил.
<i>Синтез:</i> долзарб муаммоли жойларни, тор доиралар, чеклашлар, имкониятлар, хавфлар, хатарларни аниқлаштириб олиш.	• сабаблар бўйича таҳлил; • SWOT таҳлили, буюртма портфели таҳлили.
Башоратлар • корхона ташқи муҳити кўрсаткичлари суръатлари; • бозор кўрсаткичлари суръатлари; • корхона кўрсаткичлари суръатлари.	• ривожланиш дастури; • норматив усул; • даврий ҳолатлар таҳлили, критик алоқалар таҳлили; • оператив тадқиқотлар, имитацион моделлар; • Дельфи эксперт баҳолаш услуги, ақлий ҳужум услуги ва ҳ.к.

Мақсадларни режалаштириш • корхонанинг мақсади, ривожланиш йўли; • мақсадли бозор танлаш (сегментлар ва локал бозорлар); • таклифларни тартиблаш; • устунликка эга бўлган жиҳатлар, мақсадга эришиш траекторияси; • мақсадларнинг кўлами (техник-иқтисодий баҳо, даврий ва худудий кўрсаткичларни кўзда тутган ҳолдаги самарадорлик даражаси).	• буюртмалар портфели (режа); • SWOT (режа); • вариантларни баҳолаш усуллари; • оператив тадқиқотлар, имитацион моделлар; • хавф таҳлили; • қиймат таҳлили жараёнида ижодий фикрлаш усуллари; • эксперт баҳолаш услублари.
Стратегик жараёнларни режалаштириш • стратегик ишбилармонлик куйи бўлинмаларини ташкил этиш; • ўсишнинг типик стратегияси • рақобат стратегияси; • маркетинг унсурлари ёрдамида амалга ошириладиган стратегик операциялар; • стратегик вариантларни шакллантириш; • юзага чиқиши мумкин бўлган “ҳалқа” муаммолари ва хавфларини аниқлаштириш ва баҳолаш; • қайта кўриб чиқиш мобайнидаги ўзгартиришлар.	• буюртмалар портфели (режа); • SWOT (режа); • вариантларни баҳолаш усуллари; • оператив тадқиқотлар, имитацион моделлар; • захиралар назарий усули ва оммавий хизмат кўрсатиш назарияси усуллари; • тармоқли таҳлил усули; • хавф таҳлили; • ақлий ҳужум услуби; • қиймат таҳлилининг турли усуллари; • эксперт баҳолаш услублари.

Кўпгина давлатлар қатори Ўзбекистон қонунчилигида ҳам моддий ё маънавий жиҳатдан оғир меҳнат шароитларида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун қатор рағбат ва эвазлар кўзда тутилган. Одатда бундай эвазлар йўқотилган нарса олдида ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди. Шундай бўлсада ходим ўз ишини ташламайди. Савол туғилади: нега? Сабаби – ҳар бир инсоннинг ўзига хос бўлган ижтимоий-руҳий ҳолатидадир: меҳнат шароитидаги салбий ва ижобий факторлар орасидаги нисбат шахсан ходим (ишчи)ни қониқтирар экан, у ўз иш ўрнини тарк этмайди. Бу мутаносибликнинг салбий томонга ўзгариши ходим мотивациясига таъсир этади ва у янги иш қидириш тараддудига тушади.

Демак, юқоридаги мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда бугунги кун юртимизга хос бошқарув тизимининг асосий хусусиятларидан бири сифатида керакли самарага эришишда нафақат меҳнат шароитини бошқаришни, шунингдек ходимлар бошқарувига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Яъни, ҳар бир ходим учун шундай меҳнат шароитини (хоҳ у келажакка ишонч, корхона обрўси, аҳил коллектив ва ҳ.к. бўлсин) яратиб бериш лозимки, у ҳар қандай иқтисодий шароитида ҳам ушбу иш ўрнига қизиқишини сусайтирмасин. Бунга эришиш ҳам бошқарувчидан ўзига хос усул ва кўникмаларга таянган ҳолда иш юритишни талаб этади. Агар бошқарувчи тўғри йўлни топа билса, корхона қутилган самарадорлик даражасига эришиши кўрсаткичи бир неча поғонага ошиши амалда синалган.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейин уни иқтисодиётини бошқариш тубдан ўзгартириш марказий муаммолардан бирига айланди.

Ҳозирги шароитда Республика корхоналари ва ташкилотларида бошқарув ролининг ошиб бориши куйидаги омиллар билан белгиланади:

- бозор иқтисодиётининг барпо қилиниши ва у билан боғлиқ бўлган турли мулк шакллари ва вужудга келиши (давлат, хусусий, акционер жамиятлар, қўшма корхоналар, маҳалла ва ҳоказолар);
- ҳўжалик юритишнинг янги шакллари ва вужудга келиши (акционер жамиятлар, концерн, консорциум, хусусий корхоналар ва ҳоказо);

- иқтисодийтимиз ҳажмининг ўсиши, ундаги сифатли ўзгаришлар, саноатимиз илгари ишлаб чиқармаган янги маҳсулотларни ишлаб чиқариши, фан-техника ютуқларини амалиётда қўллашнинг кенг авж олиши;

- хўжалик юритишни ноиқтисодий йўналишлари ролининг ошиб бориши (социал меъёрлар, истеъмол мезонлари, атрофдаги муҳит муаммолари ва ҳоказо);

- билим ҳажмининг ошиши ва уларни тузилишининг ўзгариши, янги фан соҳаларининг пайдо бўлиши ва бу билан боғлиқ бўлган фаолият йўналишларини танлаш имкониятини кучайтирилиши;

- мустақиллик натижасида ўлкан даражада одамларни меҳнат фаолиятлари доирасини кенгайтирилиши, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини хилма-хиллигини кўпайтирилиши;

- бозор шароитида бошқарув тизимининг ўзидаги ўзгаришлар, ҳамма соҳаларда демократик тамойилларнинг кириб келиши.

Маълумки, юқорида қайд қилинган социал-иқтисодий жараёнлар ихтиёрий равишда, ўз-ўзича кечмайди. Уларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш, йўналтириш учун бошқарув зарурияти тўғилади.

Ўз-ўзидан маълумки иқтисодий бошқарув, жумладан корхоналарни бошқариш тушунчалари кундалик ҳаётда бизнинг таниш ходиса ва воқиялардир. Кундалик ҳаётимизда инсонлар уни кўради, ҳис қилади. Баъзи бир жараёнлар инсонларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қилади. Айниқса бу ҳол табиатда кўпроқ содир бўлиб туради. Ушбу жараёнлар физик ва биологик қонунлар асосида амал қилади. Шу билан бирга табиат ва жамиятда инсон таъсири натижасида уни ҳаракатини бир мақсадга қараб йўналтириш мумкин бўлган жараёнлар кетади. Масалан одамлар дарё оқимини ўзгартиради, булутларни тарқатади, ишлаб чиқаришни ташкил қилади, янги объектлар барпо қилади, ўзи хоҳлаган томонга қараб транспорт воситалари ҳаракатини йўналтиради, меҳнат жамоаларини ишга ундайди, маблағларни тақсимлайди, инсонларнинг маънавий ҳаёти тўғрисида ғамхўрлик қилади. Бундай ҳолатларда инсонларнинг воқеалар жараёнига таъсир кўрсатиши кузатилади. Бошқарув тушунчаси айнан ана шу маънолардан келиб чиқади.

Шундай қилиб бошқарув бирон бир мақсадга самарали эришиш учун инсонлар ҳаракатини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришдан иборат. Шунини қайд қилиш жоизки, инсонни ҳар қандай объектга таъсир кўрсатиши бошқариш бўлавермайди. Бошқариш фанини автомобилни бошқариш эмас, балки уни бошқарётган инсон кизиқтиради. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатларда, айниқса, Англия ва АҚШда автомобилни бошқаришни менежмент деб атасангиз тушунмовчилик бўлади. Чунки менежмент тушунчаси бевосита хўжалик объектларини бошқарув тушунчаси билан ҳамоҳанг.

Шундай қилиб, бошқарувни алоҳида бир фаолиятнинг турига айланиши иқтисодий тараққиётнинг маълум босқичига тўғри келади. Ушбу босқич меҳнат тақсмоти ва уни ихтисослаштириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнларининг

мураккаблаштириш билан характерланади. Худди шу вазиятда уларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш зарурияти кўндаланг бўлиб туради. Бундай шароитда уларни бошқариб турадиган раҳбар ходимларга талаб пайдо бўлди.

Бошқарув тушунчасининг назарий жиҳатдан таҳлил қилиниши бизга бевосита корхоналарни бошқариш масаласига ўтиш имкониятини яратади.

Корхоналарни бошқарув бир қатор хусусиятларга эга.

1 Қайси мулк шаклига асосланганлигига қарамасдан корхоналарни бошқариш ўзининг мураккаблиги ва алоҳида хусусиятларга эга бўлганлиги билан характерланади. Корхонанинг таркибида меҳнат тақсмоти асосида алоҳида гуруҳлар ташкил қилиниб, ҳар бири ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан вазифаларни бажаради. Ушбу гуруҳ мақсадлари корхона ва жамият мақсадлари билан зид келмаслиги керак. Уларни назорат ва мувофиқлаштириб туриш бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Корхона турли ҳаракатлар ва психологик хусусиятларга эга бўлган инсон гуруҳларидан ташкил топади. Ҳар бир жамоа аъзосининг истаги, эҳтиёжи, маънавий талаблари ва манфаати мавжуд. Шунинг учун ҳам ҳар бир бошқарув соҳасида банд бўлган ходимларнинг вазифаси ишни айнан шу хусусиятларга қараб ташкил қилиш ва уларга шахсий ёндашишдан иборат бўлади. Бу эса бошқарувчилардан психология соҳасида чуқур билимга эга бўлишни талаб қилади.

3. Ҳозирги турли мулк шаклларига асосланган корхоналар мураккаб ҳўжалик организми ҳисобланади. Корхона эгасига нафақат ишлаб чиқариш жараёнлари билан, балки маркетинг, инвестиция масалалари билан ҳам шуғулланиш зарурияти туғилади. Ишлаб чиқариш жараёнида корхона ичидаги турли бўғинларни ишини ташкил қилиш, улар ўртасидаги боғланишни таъминлаш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш лозим бўлади. Фақат шу ҳолатда уларни ҳаракатини бир мақсадга қараб йўналтириш мумкин бўлади.

4. Корхоналарда жуда кўп миқдорда жиҳозлар ўрнатилади. Ҳозирги пайтда уларнинг аксарияти хорижий давлатлардан олиб келинган. Масалан “Косоносй ППР” ОАжда фойдаланилаётган технологик жиҳозларнинг аксарияти Украина ва Россиф давлатларилдан келтирилган бўлса, Қўқумбой паррандачилдик корхонаси томнидан фойдаланилаётган технологик жиҳозлар Хитой давлатидан келтирилган. Кўп ҳолларда ушбу корхоналар ичидаги турли мамалакатлардан олиб келинган жиҳозларнинг ташкил даражаси ва унумдорлиги турлича бўлади. Лекин жиҳозлар унумдорлиги қай даражада бўлишидан қатъий назар уларни ҳаракатга келтирувчи куч инсон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам корхона бошқаруви корхонадаги жиҳоз ва техникадан самарали фойдаланишни таъминлаши зарур. Бунга корхонада инсон учун қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш орқали эришилади.

5. Ишлаб чиқариш жараёнида корхоналарда ҳар куни кўплаб операциялар бажарилади. Ушбу операциялар бир бировидан бажариш шакли, технологияси билан фарқ қилади. Бундай шароитларда бошқариш ҳар хил операцияларни бажарадиган одамларнинг ишини ташкил қилиш, турли иш жойлардаги одамларни ҳаракатини мувофиқлаштириш, ишларини бир маромда олиб бориш вазифалари билан шуғулланади.

6. Ишлаб чиқариш жараёнида корхона жуда кўп миқдорда турли хил материалларни ишлатади. Материалларга корхоналарга икки йўл билан олиб кирилади: мамлакатни ичкарасидан ва хорижий мамлакатлардан бирон- бир материални кечикиб корхонага кириши ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатиб, катта моддий зарар етказиши мумкин. Демак, бошқариш бу камчиликни ўз вақтида сезиб, уни бартараф қилиш учун олдиндан чора кўриб қўйиши лозим. Бундан ташқари корхонани бир маромда ишлаши учун корхона ичидаги транспорт ва ёрдамчи ишлаб чиқариш объектларини фаолиятини ташкил қилиш керак. Бу жойларда ҳам одамлар ишлайди. Ушбу фаолият соҳаларида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги айнан шуларнинг ҳаракатига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам бундай одамларнинг фаолиятини ташкил қилиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бошқарувнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бошқарув икки таркибий қисмнинг бирлигидан иборат:

1. Бошқарув субъекти.
2. Бошқарув объекти.

Бошқарув субъектларига бошқаришни амалга оширадиган ташкилотчилар, раҳбарлар, турли соҳа бошлиқлари киради. Бошқарув объектларига корхоналар, турли мулк шаклидаги меҳнат жамоалари, ходимлар, ишлаб чиқариш учун керак бўлган меҳнат куруллари ва предметлари, пул воситаларининг ҳаракат жараёни, табиат ресурслари, илмий-техник ва ахборот имкониятлари киради. Бошқарув субъекти турли маъмурий кўрсатмалар, ходимлар фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни бошқарув объектига узатади. Бошқарув объекти юқоридагиларга асосланиб ўзини ҳаракат йўналишини ўзгартириб туради. Командани қабул қилганлиги ва унга ўз муносабатини билдирганлиги тўғрисидаги ахборотни бошқарув субъекти қайта алоқа орқали билиб олади. Ана шу ахборот орқали субъект келажакдаги ҳаракатнинг янги йўналишини белгилайди. Маълум вақтда бу объектни кейинги ривожланиши учун имкониятлар яратиб беради. Қайта алоқа каналлари доклад, хабарлар, ёзма ҳисоботлар шаклида бўлиши мумкин. Шундай қилиб, қайта алоқа амалиётда бу субъект томонидан ўрнатилган бевосита тузатишлар ва назорат қилиш натижасидар. Бу ўз ифодасини статистик ва кундалик ҳисобот ва бухгалтер ҳужжатларида топади.

1.2. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий тамойиллари, шакллари ва услублари

Корхоналарда иқтисодий жараёнларни бошқаришни ташкил қилиш. объектив қонунлардан фойдаланишнинг ҳаракатдаги механизмини ишлаб чиқишни талаб қилади. Бундай механизм менежмент асосчилари томонидан илгари сурилган тамойилларда (принципларда) ўз аксини топади.

Тамойил бу ҳўжалик юритишнинг муҳим қондасидир. Уларнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, улар бошқариш қонуниятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнида қонуниятлар айнан тамойиллар орқали ўз ҳаракатини амалга оширади.

Бошқарув тамойилларига реал амалиётни белгилаб, бошқариш апаратининг тўғри ва аниқ ҳаракат йўлини кўрсатиб беради. Тамойиллар ҳодиса-воқеалар ва вазиятлар тизимида пайдо бўлиб турадиган мантикий алоқларни тўғри тушинишга, ҳаракатлар мақсадини тўғри аниқлашга, бошқариш функциясини самарали тадбиқ қилишга қаратилган конкрет қарорлар ишлаб чиқишга имконият яратади.

Ҳар куни корхоналарда турли хилдаги низоли вазиятлар содир бўлиб туради. Ана шуларни ўз вақтида бартараф қилиш раҳбарлардан аниқ қарорлар қабул қилишни талаб этади. Лекин бу қарорлар фақат бошқариш тамойилларини чуқур билгандагина ўз самрасини бериши мумкин. Чунки бу тамойиллар ҳодиса ва воқеаларнинг ички алоқаларини ва уларнинг ривожланишини олдиндан билишга имконият беради. Бошқарув тамойиллари корхонада бошқариш жараёнларини ташкил қилишдаги дастлабки ҳолатни аниқлайди. Тамойиллар корхонанинг мақсади ва услублари билан чамбарчас боғлиқдир.

Тамойиллар биринчи марта америкалик муҳандис Ф.Тейлор, франциялик йирик тадбиркор А.Файоль ва америкалик менежмент билимдони Г.Эмерсон томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг бу тамойиллари то ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, корхоналарда бошқаришни ташкил қилишда, ҳозирги замон янги корхонанинг шаклланишида классиклар яратган тамойилларнинг тутган ўрни алоҳидадир.

Ҳозирги пайтда корхоналар амалиётида бозор иқтисодиётига мос қуйидаги тамойиллар қўлланилмоқда:

1. Олий мақсадга қараб интилиш;
2. Меҳнат тақсимоли;
3. Вақолат ва жавобгарлик;
4. Ишда яхши шароит яратиб бериш;
5. Интизом;
6. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш;
7. Ходимларга адолатли муносабат, ақли расо бўлмоқ;
9. Якка бошқариш;
10. Тез, ишончли, тўла, аниқ ва доимий ҳисоб;
11. Йўналишнинг бирлиги;
12. Ижтимоий манфаатнинг шахсий манфаатдан юқори бўлиши;
13. Ходимларни рағбатлантириш;
14. Операцияларни нормалаш;
15. Марказлаштириш;
16. Тартиб;
17. Ҳақиқат;
18. Пухта билимли маслаҳат бериш;
19. Ходимлар иш жойини барқарорлиги;
20. Ташаббус;
21. Корхонага садоқат;
22. Ёзма стандарт;
23. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш.
24. Самарадорлик.

Бошқаришни ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун бошқариш объектига таъсир кўрсатишнинг қулай услубларини танлаш катта аҳамиятга эгадир. Чунки айнан услублар бошқариш

вазифалари ва мақсади қай даражада бажарилганлигини кўрсатиб беради. Бошқариш услубларини қўллаш натижасида объектив иқтисодий қонунларнинг талаби ва уларнинг амалиётда кўриниши амалга оширилади. Шунинг учун ҳам бошқариш услуби ана шу қонунларнинг амал қилиш механизми ролини бажаради.

Амалиётда услублар тизимини тўғри қўллаш бошқариш тамойилларига боғлиқ бўлади. Чунки услублар ҳар доим бошқариш тамойиллари томонидан белгиланган қоида, Низом асосида қўлланилади.

Бошқариш фаолиятининг воситаси сифатида бошқариш услублари бошқаришнинг субъектив томонини ўзида гавдалантиради. Бундан улар ҳоҳлаган вақтда, асоссиз танланиши мумкин деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Услубларнинг таркиби ва мазмуни бошқариш қонуниятларини ўзида гавдалантирган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳаракат натижаларидан ҳосил топади. Бошқариш услубларига илм-фан тараққиёти бевосита таъсир қилади. Чунки фан-техника тараққиёти услубларни узлуксиз такомиллаштириш, уларни қўллаш сифати ва самарадорлигини оширишга олиб келади.

Шундай қилиб бошқариш услублари қўйилган мақсадга эришиш учун бошқариш объектига таъсир ўтказиш маъносини англатади.

Бошқариш услублари ўзини мазмуни жиҳатидан иқтисодий, маъмурий-ташкилий, социал психологик услублардн ташкил топади.

Бошқариш услублари тизимида иқтисодий услублар марказий ҳисобланади. Иқтисодий услуб иқтисодий механизмлар орқали бошқариш объектига таъсир кўрсатиш маъносини англатади. Бундай ҳолда корхонанинг бошқариш органи бошқариладиган объектга иш ҳақи, мукофотлаш, рағбатлантиришнинг турли шакллари, имтиёзлар, чегаралашни юмшатиш, дефицит ресурслар билан таъминлаш, иқтисодий эркинликни кучайтириш каби иқтисодий механизмлардан фойдаланади. Шунини таъкидлаш жоизки, иқтисодий истак нафақат ижобий рағбатлантирувчи омилга таянади, балки солиқлар, тўловлар, даромаддан ушлаб қолиш ва ҳатто жарима (санкцияларига) ҳам таянади.

Иқтисодий услубларнинг ҳаракати шароитида пастки бўғинларга марказлашган таъсир кўрсатиш сусаяди. Иқтисодиётнинг пастки бўғинлари мустақил равишда қарорлар қабул қилши учун катта ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлади. Корхона ва хўжаликларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўтиши амалга оширилади.

Бошқаришни иқтисодий услубларининг ҳозирги пайтдаги ўзгариш омилларидан энг асосийси бошқаришни тик чизикли шаклидан горизонтал шаклига ўтиш ҳисобланади. Бунда бошқариш объектига таъсир нафақат юқори бошқариш органлари томонидан, балки корхона билан боғланган мижозлар, истеъмолчилар томонидан амалга оширилади. Бундай таъсир қилиш услублари ўз ифодасини ўзаро мажбуриятлар, битимлар ва шартномаларда топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий услубларнинг қўлланилиши ўзининг ижобий самараларини беради.

Ташкилий-маъмурий услублар иқтисодий услублардн фарқ қилиб, бошқариш объектига, яъни меҳнат жамоалари ва алоҳида ходимларга бевосита буйруқ, фармойиш асосида таъсир ўтказишга асосланади. Шунинг учун ҳам ушбу услубни кўп ҳолларда кўрсатма тарикасидаги ёки командага оид услуб деб атайдилар. Бундай кўрсатма ва командалар пастки бўғинлар томонидан мажбуран бажарилади. Бошқаришни бу услубининг мантиқи - “Бошлиқнинг буйруғига бўйсинадиган ходимлар учун бажарилиши қонун” деган мазмунни англатади. Ушбу маъмурий услуб асосан бозор иқтисодиётига хос бўлмаган марказлашган тамойиллар тизимига хосдир. Ташкилий-маъмурий услуб ўзининг мазмунига кўра икки турга бўлинади: ташкилий ва маъмурий таъсир кўрсатиш.

Корхоналарда ташкилий таъсир кўрсатиш биринчидан хўжалик ишлаб чиқариш технологияси, инвестиция ва маркетинг фаолиятини такомиллаштиришни, ташкилий ва технологик меъёрлар ва низомларни ишлаб чиқаришни таъминлайди. Иккинчидан, ташкилий таъсир кўрсатиш, корхоналарда меҳнат шароитларини яхшилаш, айрим меҳнат турларини бажариш услубларини аниқлайди. Учинчидан, ташкилий таъсир кўрсатиш технологик жараёнларни автоматлаштириш, компьютер технологиясидан фойдаланиш, беркитилган воситалардан унумли фойдаланишни таъминлайди.

Қаерда ва қайси вақтда корхоналарда ташкилий жиҳатдан ўзгаришлар содир бўлиб қолса (бу жараёнда доимо ривожланиш ва такомиллаштириш тенденцияси мавжуд) ўша ерда ташкилий таъсир кўрсатишга амал қилиш зарурияти тўғилади.

Ташкилий таъсир кўрсатиш ўз самарасини фақат уни маъмурий таъсир билан тўлдирилгандагина беради. Чунки, ҳар қандай корхонани ташкилий тузилмасининг ичида ўзининг турли хизматга оид сифатлари, хусусиятлари, дунё қараши ва ҳатто баъзи вақтда қўйилган умумий вазифани турлича тушуниши билан бир-бировидан фарқ қиладиган инсонлар ҳаракат қилади. Бундай шароитларда бўғинлар ўртасидаги ташкилий алоқаларни сақлаб туриш учун корхона жамоаларига маъмурий таъсир кўрсатиш зарур бўлиб қолади.

Маъмурий таъсир кўрсатиш амалиётда бўйруқ, фармойиш ва кўрсатма шаклида намоён бўлади.

Буйруқ бу маъмурий-ижрочи фаолиятни тартибга солиб турувчи бошқариш акти ҳисобланади. Бажарилиши муқаррар бўлган буйруқларни фақат корхона раҳбари беради. Буйруқларни ишлаб чиқиш жараёнида унга киритилган масалаларни чуқур таҳлил қилиш ва шу соҳа бўйича билимдон мутахассисларни маслаҳатини инобатга олишга эътибор берилиши лозим.

Буйруқлардан фарқли фармойишларни раҳбарлардан ташқари уларнинг муовинлари ва ўзининг ваколат доирасида функционал бўлим бошликлари бериши мумкин. Фармойишда ҳам худди буйруқдагидек масалалар аниқ ва тушунарли ёритилиши, ижрочилар, ижро санаси ва назорат шакллари кўрсатилши лозим. Фармойишларда уни бажарилшининг аниқ муддати кўрсатилади.

Маъмурий таъсир кўрсатишнинг амалга ошириш воситаси кўрсатма ҳисобланади. Одатда улар оғзаки шаклда берилади. Унда қўйилган вазифаларнинг бажариш муддати аниқ кўрсатилади.

Маъмурий таъсир кўрсатиш органларининг қўйган вазифаларини амага ошириш учун узлуксиз назорат қилишни йўлга қўйиш керак. Ҳар бир буйруқни бажарилиш назоратини шахсан раҳбар ёки унинг ваколати билан унинг вакили амалга оширади. Айниқса раҳбарнинг шахсий назорати ҳаддан ташқари муҳим ҳисобланади. Чунки бу ўз вақтида буйруқни бажариш бўйича пайдо бўлган четланишларни пайқаб, уни олдини олиш имкониятини беради.

Бошқариш услублари ичида социал-психологик услублар муҳим ўрин эгаллайди. Социал-психологик услублар бу меҳнат жамолари ва айрим ходимларга турли психологик механизмлар орқали таъсир кўрсатиш орқали бошқаришни амалга оширишдир.

Ҳар бир инсонда меҳнатга, мулкка, пул, бойликка, иқтисодий муносабатларга нисбатан қарашлар тизими шаклланиб ва тарбияланиб боради.

Ҳар қандай инсон катта кичиклигига қарамадан нафақат мамлакатимизда ҳаракат қилаётган ҳуқуқий қонунлар асосида иш кўради, балки ўзини дунё қараши, тасаввури, ички одоб-ахлоқ қоидалари асосида ўз турмуш тарзини белгилайди. Бу ҳолат ҳам иқтисодда ва маиший шароитда ўз ифодасини топади. Социал-психологик услубларнинг асосий вазифаси инсонларни психологияси. Виждони ва одоб-ахлоқига таъсир кўрсатиш орқали бошқариш субъекти қўйган мақсадга эришишни таъминлашдан иборат. Одамларни бирон-бир ишни бажаришга мажбур қилмаслик керак. Уларни шу нарсани бажариш зарур эканлигига ишонтириш керак.

Социал-психологик услубларнинг самарадорлиги ва амалий таъсири авлоддан авлодга ўтиб келадиган инсоннинг вужудидаги тарбияга боғлиқ бўлади. Бунга бир қатор мамлакатларда шаклланган анъаналарни мисол келтирсак бўлади. Масалан, Японияда меҳнатга бўлган севги ва ҳурмат, ўз ишига ва фирмасига содиқлик гўдаклигидан бошлаб тарбияланади. Агар фирмада иш ёмон бораётган бўлса, Япон ишчиси меҳнат таътилидан ҳам воз кечади.

Шундай қилиб, ижтимоий-психологик услубларнинг икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Ижтимоий таъсир кўрсатиш услублари.

2. Психологик таъсир кўрсатиш услублари. Буларни ҳар бирини алоҳида кўриб ўтамиз.

Ижтимоий таъсир кўрсатиш услублари корхоналарда жуда кўп жамоани социал ривожланиш масалларини ҳал қилиш воситаси сифатида ишлатилади. Ушбу услуб орқали меҳнат жамоаларининг социал тузилмаси ва социал хусусиятлари (жамоани социал ва квалификацион тузилиши, ходимлар ва ишчи-хизматчиларнинг маданий-техник даражаси, меҳнат шароити, меҳнатни рағбатлантиришни ташкил қилиш, маънавий ва маърифий ишларни қўйилиши ва ҳоказо) ўрганилади.

Уларни амалиётда қўллаш натижасида жамоа ва уни аъзоларининг социал фаоллиги ошади, тарбия жараёни яхшиланади.

Амалиётда социал таъсир кўрсатиш услублари билан бирга меҳнат жамоалари ва уни аъзоларини бошқаришни психологик услублари ҳам кенг ишлатилади. Уларнинг асосий вазифаси меҳнат жараёни

билан банд бўлган инсонларнинг психикаси ва кайфиятига таъсир кўрсатишдан иборат. Ушбу услубларнинг йўналиши корхоналарда хайрихоҳлик, дўстлик муносабатларини, меҳнатга қизиқишнинг ошиши учун самрали тизимини шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Юқорида кўриб чиққан бошқаришнинг уч улublари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, биргаликда хўжалик фаолиятининг ҳамма бошқариш функцияларини амал қилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам амалиётда уларни биронтасини ҳам ролини пастга ўриш катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

1.3. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришда раҳбарнинг ўрни

Корхона тараққиётнинг ҳамма босқичларида иқтисодиётнинг асосий ва бирламчи бўғини ҳисобланади. Албатта конкрет корхонани бошқариш фанларининг тузилмаси, уни бошқариш шакли ва услублари унинг масштаби ва ихтисослигига боғлиқ бўлади. Умумий қилиб айтганда иқтисодиётимизда мавжуд бўлган турли мулк шаклларига асосланган корхоналар бир-бири билан ўхшашлик ва фарқлари мавжуд. Ўхшашлиги шундаки ҳар қандай корхона маҳсулот, товар, хизматлар ишлаб чиқаради, маълум фаолиятни амалга оширади. Айнан ана шунда унинг бош мақсади ва вазифаси ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам уларни шакл ва турларидан қатъий назар, корхоналарни бошқариш асосида технологик жараёнларни бошқариш ётади.

Умумий ўхшашлигидан ташқари иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу биринчи навбатда турли соҳадаги корхоналарда ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил қилишдаги ўзига хос шароитлардир. Масалан, баъзи корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини узоқ муддатга чўзилиши ва жараёнларнинг мураккаблиги, уларни тайёрлаш ва хизмат қилиш операцияларининг ўзига хос хусусияти ва ҳоказолар. Корхоналар ўртасидаги фарқ, худди шундай ишлаб чиқаришни тайёрлаш жараёнининг босқичларида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, янги маҳсулотларни лойиҳалаш ва усқуналаш, лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган ҳисобларни амалга ошириш, меъёрий ҳисобларни амалга ошириш ва ҳоказолар.

Иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланган корхоналар мамлакаттимиз ва чет эл таъминловчилар билан кўплаб алоқаларни амалга оширадилар. Ушбу алоқалар хом ашё билан таъминловчилар ва истеъмолчилар билан амалга оширилади. Ана шу ўзаро алоқаларни сақлаб туриш ва мувофиқлаштириш корхона бошқарувининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бирон-бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун корхоналар ишлаб чиқаришнинг турли омилларидан фойдаланади. Буларга ишчи кучи, жиҳозлар, хом ашё, материаллар, ахборот, пул маблағлари киради. Шунга қараб корхонани бошқариш бир неча йўналишларга бўлинади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Кадарларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни маданий-техник даражасини ошириш, (персонални) кадрларни бошқариш;
2. Корхоналарни ишлаб чиқариш фаолиятини техник-иқтисодий режалаштириш;
3. Ишлаб чиқаришни оператив бошқариш;
4. Корхонани техник ривожланишини ва ишлаб чиқаришни техник тайёргарлиги;
5. Маҳсулотлар сифатини назорат қилиш;
6. Меҳнатни ташкил қилиш ва иш ҳақи;
7. Ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминоти;
8. Тайёр маҳсулотни сотишни ташкил қилиш;
9. Молия фаолиятини амалга ошириш;
10. Ишлаб чиқаришга техник ва ташкилий-хўжалик хизматини ташкил қилиш.

Юқорида кўрсатилган йўналишларнинг йиғиндисини чет мамлакатлар амалиётида корхона менежменти деб аталади. Администраторлар, корхона фаолиятининг бошқарувчиларини менежерлар дейиш қабул қилинган.

Ушбу атама ҳозирги пайтда бизнинг Республикамизда чоп қилинган иқтисодий адабиётларда ва амалиётда кенг қўламда ишлатилмоқда.

Ҳозирги шароитда Республикамизда бир қатор корхоналарни бошқариш тузилмасининг турлари мавжуд. Корхона, компания, концернлар одатда бошлиқ ёки президент томонидан бошқарилади. Компания ва концернларни президенти стратегик раҳбарликни амалга оширади. Оператив бошқариш

ижрочи директорлар томонидан олиб борилади. Директор кўп ҳолатларда корхона фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича ўзининг муовинларига эга. Масалан, техника ва технология, ишлаб чиқариш, фан, иқтисод, молия ва ҳоказолар бўйича.

Корхоналарни бошқариш апаратига турлича хизматга оид бўлимлар мавжуд бўлади. Уларни амалиётда маъмурий-бошқариш ходимлари деб аталади. Одатда корхона бўлимларини бошқариш ишлаб чиқариш (корхонани бошқарадиган) ва функционал қисмларга (молия, таъминот, сотиш, кадрлар, технология, иш юритиш, ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш) бўлинади. Ҳаммасини умулаштириб раҳбарлар, мутахассислар ва техник ижрочилар деб ҳам атасак бўлади.

Корхона тузилмасида бўлинма, цех, бўлим, лабораториялар ва бошқа бўлимларни кўрсатиш мумкин. Ҳаммасида ўзининг бошқариш органлари мавжуд.

Корхонани бошқариш асосида чизикли ва функционал тамойиллар ётади. Шунини қайд қилиш жоизки, ҳар қандай ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида чизикли тамойил ётади. Тизимнинг ичида бўғин ва пағоналарни бир-биридан фарқ қилиш лозим. Бўғин бу алоҳида функцияларни бажарувчи мустақил бўлинмадир. Бошқариш бўғини тушунчасига шунингдек, бир неча ташкилий тузилмаларни фаолиятини раҳбарлигини амалга оширувчи раҳбарларни кўрсатиш мумкин. Буларга бош муҳандис, бош технолог, смена бошлиқлари ва ҳоказолар киради.

Бошқариш пағонаси бу бўғинларнинг йиғиндиси ҳисобланади. У бошқариш иерархиясини белгилайди (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсиниши). Бошқариш тизимидаги чизикли бўлимлар бўйруғини бажариш унга бўйсинадиган ҳамма бўлимлар учун шарт ҳисобланади. Чизикли бошқариш берилган фармойиш ва вазифаларни бажарилишида англашмовчилик келиб чиқишига имкон бермайди. Чунки ушбу вазифалар бир раҳбар томонидан берилади. Шу билан раҳбарлик бирлиги таъминланади, раҳбарларнинг ўзларига беркитилган бўлимлар учун маъсулияти ошади.

Чизикли бошқариш корхонанинг ташкилий тузилмасини барпо қилиш асосини ташкил қилиб, бутун бошқариш механизмнинг самарали ҳаракатини таъминлайди. Шунинг учун ҳам чизикли бошқаришни рационал ташкил қилиш бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Биринчидан, бўйсинадиган пағоналарнинг сони қанча кам бўлса, уни бошқариш шунча осон бўлади. Иложи борица кам одамлар бошқариш жараёнига аралашади. Бу эса бошқариш объектини ҳолатини барқарорлигини таъминлаш имкониятини тўғдиради. Иккинчидан, чизикли бошқаришни самарали ҳаракат қилиши шароитларидан бири буйруқларни пастки бўғинларга уни бевосита раҳбари томонидан берилиши ҳисобланади. Масалан, завод директори цех бошлиғи хабарисиз, яъни бевосита цех устасига буйруқ берилиши нотўғри ҳисобланади. Амалиётда агар бундай ҳолатлар учраб қолса, демак чизикли бошқариш тамойили бузилган ҳисобланади. Учинчидан, чизикли бошқариш тизими раҳбарлар ва бўйсинадиган шахсларнинг рационал нисбатини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Раҳбар ва бошлиқлар сонининг кўплиги, одатда маъсулиятсизликни келтириб чиқаради ва бошқариш оперативлигини сусайтиради.

Корхонани бошқариш тизимининг барпо қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган иккинчи тамойил бу функционал тамойилдир. Бу тамойил чизикли бошқариш тизимидаги раҳбарлар ўртасидаги меҳнат тақсимотидан келиб чиқади. Бунинг маъноси шундан иборатки чизикли бошқариш тизимининг ҳар бир бўғини маълум функцияни, ёки унинг бир қисмини бажаради. Функционал бошқаришнинг зарурияти ишлаб чиқариш тизимининг мураккаблиги ва бу жараённинг хилма-хиллигидан келиб чиқади. Ушбу хусусиятлар маълум даражада турли соҳалар бўйича махсус билимга эга бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам корхонани бошқариш ва бу жараён билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш учун кўп меҳнат ва кўпчилик одамларнинг вақти керак бўлади.

Функционал бошқариш бу алоҳида функциялар бўйича бошқаришни амалга оширишдир. Ҳар бир функционал бўлинманинг ўзининг раҳбари бўлади. Улар ҳам яккабошчилик тамойили асосида ҳаракат қилади. Функционал бўғинларнинг ҳамма раҳбарлари корхонани чизикли бошқариш тизими таркибига киради. Бу асосда чизикли ва функционал бошқаришнинг бирлиги таъминланади.

Функционал бошқариш қуйи поғонадаги бўлимлар фаолиятини раҳбарлигини таъминлаб, бир функция доирасидаги масалаларни ҳал қилади. Яъни, уни бошқариш доираси ва ечадиган масалалари чегараланган бўлади. Функционал бўлинманинг раҳбарлари пастки бўғинларга маъмурий фармойишлар

бериш ҳукукига эга эмаслар. Шунинг кайд қилиш жоизки, ушбу сертармоқ ва мураккаб бошқариш нисбатан катта корхоналар учун хосдир. Унча катта бўлмаган корхоналарда бу ҳол анча оддий кечади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётни муваффақиятли ривожланиши ва такомиллашувининг ҳал қилувчи шароитларидан бири бошқариш кадрлари билан олиб борилаётган ишларни доими суратда яхшилашдан иборат. Амалиёт шунинг кўрсатдики, бозор муносабатларининг имкониятлари ва устунлигидан самарали фойдаланиш айнан бошқариш кадрларининг ва биринчи навбатда раҳбарларнинг ақли, иш билармонлиги, янги шароитда бошқариш мақсадлари, тамойиллари ва услубларини қай даражада қўллаш билиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Ўз вақтида менежмент назарияси классиклари ҳар қандай давлатни ривожланиши учун урта асосий омил амал қилишини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Буларга инсонлар, молия сиёсати, техника ва технология киради. Биринчи ўринга инсонларнинг қўйилиши бежиз эмас. Япон, Америка ва Европадаги кўзга кўринган менежерларнинг бизнес соҳасида эришган ютуқларини ана шу омилларга таяниб иш кўрганлари билан боғлаш мумкин.

Ҳозирги шароитда корхона раҳбарлари ролининг ошиб бориши бир қатор омиллар билан белгиланади. Буларга корхоналардаги сифатли ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашиши, даврга хос бўлган янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишчи-ҳодимлар мафкурасининг ўзгариши, бошқаришни шкл ва услубларининг ўзгариши, ҳамма соҳада демократлаштиришни амалга оширилиши, даврнинг талаби билан раҳбарларнинг алоҳида ўрин эгаллаши ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги шароитда раҳбарлар ролининг ошиб бориши қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- * турли мулк шакллариининг вужудга келиши (давлат, хусусий, акционер жамиятлар, маҳалла ва ҳоказолар);

- * хўжалик юртишининг янги шакллариини вужудга келиши (акционер жамиятлар, концерн, корпорация, консорциум, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар ва ҳоказо);

- * иқтисодиётимиз ҳажмининг ўсиши, иқтисоддаги сифатли ўсишлар, фан-техника ютуқларини амалиётда қўллаш бошқариш қарорлари вариантларини кўпайтиради, уларни танлаш муммоларини мураккаблаштиради;

- * хўжалик юртишни ноиқтисодий йўналишлари ролининг ошиб бориши (социал меъёрлар, истеъмол мезонлари, атрофдаги муҳит муаммолари ва ҳоказо) бошқариш кадрлари ва биринчи навбатда раҳбарларнинг масъулиятини оширади;

- * билим ҳажмининг ошиши ва уларни тузилишининг ўзгариши, янги фан соҳаларининг пайдо бўлиши фаолият йўналишларини танлаш имкониятини кучайтиради ва раҳбарларни бошқаришга таъсир қилиш заруриятини кенгайтиради;

- * бозор шароитида бошқариш тизимининг ўзидаги ўзгаришлар, ҳамма соҳаларда демократик тамойилларнинг кириб келиши;

- * қонун устиворлигини таъминлаш бошқариш қарорларини қабул қилишда субъект омилнинг ролини оширади;

- * бозор механизмларининг таъсири остида бир қатор янги истиқболли қарорлар ҳиссаси ошади, доимий равишда янги муаммолар пайдо бўлади. Буларни ўз вақтида аниқлаб ҳал қилиш, биринчи навбатда, раҳбарлардан маҳорат, зийраклик ва билимдонлик талаб қилади.

Ҳозирги замонда кўпчилик қарорларнинг асосий хусусияти шандай иборатки, улар ўзларига иқтисодий, социал, ташкилий ва бошқа йўналишлар нуқтаи назаридан ёндошишни талаб қлади. Айнан раҳбар ўзининг бошқариш тизимида тутган ўрнига қараб юқоридаги ёндошишни амалиётга тадбиқ қила олиш мумкин. Бундан ташқари раҳбарлар ролининг ошиб бориши ахборотларни ишлаш жараёнини автоматлаштириш, кенг миқёда компьютер техникасидан фойдаланиш билан ҳам белгиланади. Юқоридаги техникадан кенг қўламда фойдаланиш бошқариш ходимларини ҳаммага маълум бўлган, ноижодий вазифалардан озод қилиб, асосий диққат эътиборни энг муҳим масалаларга қаратишни талаб қилади. Шундай қилиб, иқтисодиёт мураккаблашиб борган сари раҳбарларнинг ҳам вазифалари мураккаблашиб бораверади.

Раҳбар социал, профессионал ва шахс нуқтаи назардан олиб текширилиши лозим. Шунинг айтиш жоизки ҳар қандай хўжалик раҳбари энг олдин бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шаклларига

асосланган мавжуд иқтисодий муносабатларини устунлигини амалга ошириш йўллари йўлаб топиши керак. Бу билан у юқори даражадаги маъсул социал-иқтисодий вазифани бажарган бўлади. Ушбу вазифани бажариш учун унда ҳамма имкониятлар мавжуд. Энг асосийси унга керак бўлган ва ҳукукий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган ваколот берилган. Аввало бизни Республикамизда бажарилган вазифаларнинг сифати ва самарадорлиги сўз билан эмас уни иши билан баҳоланаши яхши йўлга қўйилган. Ушбу баҳо ҳар бир фаолиятнинг иқтисодий ва социал натижалари билан белгиланиши лозим.

Хўжалик раҳбари ўзининг энг асосий социал-иқтисодий вазифасини муваффақиятли бажариши учун юқори даражадаги профессионал ва уни амалиётга жорий қила олиши лозим ва биринчи навбатда меҳнат жамоасини ташаббусини давлат томонидан белгиланган мақсадга эришиш жараёнига жалб қила билиши керак.

Ва ниҳоят шуни қайд қилиш жоизки, хўжалик раҳбари биринчи навбатда инсондир. Шунинг учун ҳам инсон учун хос бўлган ҳамма хусусиятлар раҳбарга ҳам хосдир. У кучли ва кучсиз бўлиши мумкин. Яшаш учун шароит яратиш афзалроқ эканлигини тушинади. Кўпчилик раҳбарлар ишдаги муваффақият уй-рўзгорини тинч эканлигига боғлиқ эканлигини ҳам яхши ҳис қилади. Дам олишнинг, машғулотларни ўзгартириб туришнинг баҳосини яхши биладилар. Лекин ўзининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун яхши моддий имкониятларга эга бўлган раҳбарлар вақт тансиқлигига дуч келадилар. Натижада ўзларининг яхши тилақларини ҳаётда тадбиқ қиолмасдан қоладилар. Буларнинг ҳаммаси оқибатда уларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, бу ҳолдан серғайратли, ташаббускор раҳбарларга кўпроқ зиён етади. Шунинг учун ҳам раҳбарларни социал, профессионал ва шахс томонларнинг бирлиги нуқтаи назаридан олиб қарамаслик қарама-қарши ҳолатга олиб келиши мумкин. Бундай қарама-қаршилиқни бартараф қилиш фақатгина жамият ва раҳбарларни ўзларининг умумий тиришқоқлиги орқали амалга ошади.

Бошқариш тизимида раҳбарларнинг алоҳида роли уларда доимо ўз устида ишлаш, билимларни такомиллаштириб бориш, алоҳида блим соҳаларини ўрганишни талаб қилади. Чунки юқоридаги ишларни амалга оширмасдан туриб раҳбар ўзига беркитилган вазифани самарали ҳал қилиши жуда қийин бўлади. Ҳеч кимга бир умр раҳбар бўлиш ҳукуқи берилмаган. Фақат ҳалол меҳнат, фаолиятида ташаббус, яхши хўжалик натижалари билан раҳбар ўзининг раҳбар деган отини оқлай олади.

Ҳозирги шароитда раҳбарларнинг ролини аниқлаш уларни бошқариш тизимида тутган ўрнини белгилаш имкониятини яратади. Бозор иқтисодиёти шароитидаги замонавий корхона раҳбари а) пешқадам, б) бошқарувчи, в) дипломат, г) тарбиячи, д) инноватор, е) инсоний мавжудот тариқасида намоён бўлади. Буларнинг ҳар бирини амалиётда синаб кўриш раҳбардан жуда кўп сифат ва фазилатларга эга бўлишни талаб қилади. Бу борада меҳнатни илмий ташкил қилиш назариясининг асосчиси Ф.Тейлор менежерда куйидаги сифатларни ажратиб кўрсатади: ақл, маълумот, техник билимлар, одоблилик, ғайратлилик, қатъиятлилик, ростгўйлик, мулоҳазалик. Менежментнинг яна бир классики А.Файоль эса, менежер олдиндан кўрабилиши ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши, ўз соғлиғи билан ажралиб туриши, ривожланган ақлу заковат соҳиби бўлиши, юксак маданий ва ахлоқий даражага эга бўлиши керак деб таъкидлаган эди. Қолаверса, ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар фирма ва компанияларда менежер қанақа сифатларга эга бўлиши кераклиги тўғрисида ўзларининг нуқтаи назарлари мавжуд.

Менежмент масалаларига оид чет эл адабиётлари билан танишиш шуни кўрсатдики, кўпчилик АҚШ, Европа ва Осиё-Тинч океани регионидagi рақобатга бардош берадиган фирма ва компаниялар қатъийлик билан менежерлик санъатини ўрганиб, уни амалиётда усталик билан тадбиқ қилиш натижасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бу ўз ифодасини ўз вақтини бошқариш, хизматга оид хатларни тайёрлаш, одамлар билан муносабат қилиш, аудитория олдида сўзга чиқиши, музокаралар олиб бориш ва ҳоказоларда топди.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларни яхши, сифатли бошқариш учун раҳбар нималарга эга бўлиши керак?

Ташкилотчилик қобилиятига, тадбиркорликка, бошқаришнинг пастки даражаларида раҳбарлик қилиш тажрибасига, маълум педагогик маҳоратга аниқ ва маълумотли қилиб ўз фикрини етказиш учун сўзлашиш қобилиятига, ўз хатоларини мардларча тан олиш ва танқидни ҳурмат қилишга.

Нималардан хабардор бўлиши керак?

1. Иқтисодиётдан, ташкил қилишдан, бошқаришдан, режалаштиришдан, молиядан, ҳисобдан, техника ва технологиядан, педагогикадан, психологиядан, ҳуқуқшунослик ва ҳоказолардан.

2. Ўз соҳаси бўйича охириги фан-техника ютуқларидан.

3. Бошқаришнинг объектдан, шу соҳа билан бевосита алоқадор ходимларнинг маълумотидан, жамоадаги муносабатлардан, улардаги норасмий пешқадамларнинг (лидерларнинг) маълумотидан.

Нималарни билиш керак?

Илм-фандан фойдаланишни, янгиликни, илғор ютуқларни, аниқ, тез ишлашни, шу билан бирга жамоада сокин, ишчанлик вазиятини таъминлашни, ҳар бир вазиятда асосий муаммони кўра билиш ва бир йўла бир неча ишга ёпишмасликни, вазиятни тўғри баҳолаш ва оптимал қарорлар қабул қилишни, юқори меҳнат интизомини таъминлашни.

II. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИКАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1 Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Ишлаб чиқариш – бу жамият яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш жараёнидир қўйидаги уч жиҳатни кўзда тутадиган меҳнат фаолияти ишлаб чиқариш мазмунини белгилайди:

1. Мақсадга мувофиқ иш ёки меҳнатнинг ўзи.

2. Меҳнат буюмлари, яъни инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти йўналтирган ҳар бир нарса.

3. Меҳнат воситалари (қуроллари) – инсон, меҳнат буюмларини ўз эҳтиёжларини қондиришга мослаштириб ўзгартиришига ёрдам берувчи машиналар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар

Ҳар бир саноат корхонаси ишчилар ва улар оила аъзоларининг талабларини қондиришга ундайдиган цехлардан, участкалардан, хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан, бошқарув, ташкилот ва муассасалардан иборат.

Ишлаб чиқариш бўлинмалари комплекси, корхонани бошқариш ва ишчиларга хизмат кўрсатиш бўйича ташкилотлар, ўзаро алоқалар катталиги ва эгалаган майдони бўйича улар орасидаги нисбий боғланиш, ишчилар сони ва ўтказувчанлик қобилияти ҳаммаси биргаликда.

Корхона (бирлашма)нинг умумий тузилмасини англатади. Корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари – цехлар, участкалар, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ва хизматлар (ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ёки билвосита иштирок этувчилар), улар орасидаги алоқалар ҳаммаси биргаликда. Корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил этадилар. Булар меҳнат унумдорлиги даражасини «моддий ишлаб чиқаришда», берилган техник-иқтисодий ва иқтисодий географик шароитда табиий бойликлардан ва техникадан самарали фойдаланишни, ишлаб чиқариш харажатларини олдиндан белгилайди.

Корхона ишлаб чиқариш тузилмасини оқилона (тўғри) тузиш қўйидаги тартибда бажарилади:

- Корхона цехлари таркиби, уларнинг маҳсулот чиқариш вазифасини бажаришни таъминлайдиган қувватини белгилайдилар;

- Ҳар бир цех ва омборхоналар учун майдонлар ҳисобланади, уларнинг корхона бош режасида фазавий жойланиши аниқланади;

- Корхона ичидаги ҳамма транспорт алоқалари, уларнинг умумкорхона (корхона учун ташқи) йўллар билан ўзаро таъсири режалаштирилади;

- Ишлаб чиқариш жараёни йўналиши бўйича меҳнат буюмларининг цехлараро силжишининг энг қисқа йўли белгиланади.

Ишлаб чиқариш бўлимларига – корхонада, ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотларни, четдан олинадиган бутловчи буюмларни, материаллар ва ярим тайёр, маҳсулотларни, эксплуатация жараёнида таъмирлаш учун ишлатиладиган эҳтиёт қисмларни тайёрлайдиган, назорат текшируви ҳамда синашни ўтказадиган цехлар, участкалар, тажрибахоналар киради, технологик мақсадлар учун ҳар хил турдаги энергиялар ишлаб чиқаради.

Ишчиларга хизмат кўрсатувчи бўлимларга уй-жой ва коммунал бўлимлар, ошхоналар, буфетлар, болалар яслилари ва боғчалари, сихатгоҳлар, даволаш масканлари, дам олиш уйлари, профилакториялар,

тиббий қисм (пункт)лар спорт жамиятлари, ишчи ҳамда муҳандис-техник ходимларнинг ишлаб чиқариш малакасини ошириш, маданий даражасини кўтариш билан шуғулланувчи техник ўқув бўлимлар ва ўқув юртлари қиради.

Асосий цехларда реализация учун мўлжалланган маҳсулотларни тайёрлаш бўйича жараёнлар бажарилади.

Асосий цехлар – тайёрловчи, ишлов берувчи ва йиғувчиларга бўлинадилар.

Тайёрловчиларга – қуювчи, челангар-тағмаловчи, челангар-прессловчи цехлар қиради.

Ишлов берувчиларга – механик ишлов берувчи, ёғочга ишлов берувчи, иссиқлик, гольваник цехлар, деталларни бўёқ-лакли химоя ва декоратив қоплаш жараёнларини бажарувчи цехлар қиради. Йиғувчиларга – маҳсулотларни агрегатли ва сўнгги (охирги) йиғув уларни бўяш, эҳтиёж қисмлар ва ажратиш жиҳозлари билан бутловчи цехлари қиради.

Ёрдамчи цехларга асбоб ускуналар, ностандарт жиҳозлар, намунавий, таъмирлов, энергетик, транспорт цехлари қиради. Қўшимча ва қўмакчи цехлар ҳам бор. Буларга чиқиндиларни қайта ишлаш цехлари кенг истеъмол моллари тайёрлаш цехлари, маҳсулотларни ураш ва жойлаш идишларини тайёрловчи цехлар, тайёр маҳсулотларни ортиш, жўнатиш цехлари қиради.

Ишлаб чиқариш саноат корхоналарида уч турдаги ишлаб чиқариш тузилмаси мавжуд: буюмли, технологик ва аралаш (буюмли-технологик).

Буюмли тузилмада корхонанинг асосий цехлари, ишлаб чиқариш майдонлари ҳар бири тайёрлайдиган маълум маҳсулот ёки унинг қайси бир қисмлари, деталлар гуруҳи белгиси бўйича сараланадилар. Буюмли тузилма асосан катта серияли ва оммавий ишлаб чиқариш заводларнинг механик-йиғув ва йиғув цехларида қўлланилади.

Автомобиль заводидаги двигатель, шасси, кузов тайёрлайдиган цехлар; станок қурувчи заводларидаги станин тайёрловчи, шинделлар, валлар, корпус қисмлари тайёрловчи цехлар, пойафзал фабрикасида – рангли пойавзал цехлари буюмли тузилмага мисол бўлиб хизмат қилади.

Буюм тузилмаси катта афзалликка эга. У цехлар орасидаги ўзаро ишлаб чиқариш алоқа шакллари соддалаштиради ва чегаралайди, деталлар силжиши йўлини қисқартади, цех ва цехлараро транспортни соддалаштиради ва арзонлаштиради, ишлаб чиқариш циклининг чўзилувчанлигини камайтиради, ишчиларнинг иш сифати учун маъсулиятини оширади.

Буюм тузилмаси цехларда жиҳозларни технологик жараённинг йўналиши бўйича жойлаштиришга, юқори унумдор станоклар, асбоб-ускуналар, мосламалар ишлатишга имкон беради. Буларнинг барчаси маҳсулот чиқаришни оширишни, меҳнат унумдорлигини кўтаришни ва маҳсулот таннархини пасайтиришни таъминлайди.

Технологик тузилма ғоят аниқ технологик маҳсусликни тақозо этади. Масалан, куйиш, челонгарлик, механик, йиғув цехлари мавжудлиги. Ишлаб чиқаришнинг бу тур тузилмаси цех бошқарувини соддалаштиради, одамларни жойжойга қўйишда усталик қилиш имконини беради, ишлаб чиқаришни бир тур маҳсулот чиқаришдан иккинчи турга ўтиш учун қайта созлашни енгиллаштиради.

Камчиликларига қўйидагилар қиради: маҳсулотларнинг силжишида қарама-қарши йўналиш пайдо бўлиши; цехлар ўзаро ишлаб чиқариш алоқаларининг мураккаблашиши, жиҳозларни қайта мослашда кўп вақт сарфланиши, юқори-унумдор маҳсус дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, мосламалар қўллаш имкониятининг чегараланиши. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва маҳсулот таннархини пасайишига тўсқинлик қилади.

Аралаш (буюм-технологик) тузилма бир машинасозлик заводнинг ўзида ҳам предмет, ҳам технологик тамоилда ташкил этилган асосий цехларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Масалан, кўплаб ишлаб чиқариш машинасозлик корхоналарида тайёрлов (куйиш, челонгарлик, пресслаш) цехлари одатда технологик тамойили асосида, механойиғувчилари эса буюм тамойили асосида ташкил этилади.

Бу турдаги ишлаб чиқариш корхоналари асосан машинасозлик, енгил саноат (пойафзал, тикувчилик, мебелсозлик) ва баъзи бошқа соҳаларда бўлади.

Бундай корхоналар афзаллигига – цехлар ичидаги ташиш ҳажмини кичрайиши, маҳсулот тайёрлашдаги ишлаб чиқариш даврининг қисқариши, меҳнат шароитининг яхшиланиши, жиҳозлар банд бўлган даражасининг юқорилиги, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот таннархининг пасайиши қиради.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш турлари деганда, саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш хусусиятлари ва техник даражасини комплекс тавсифи тушунилади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш турларига қатор омиллар таъсир кўрсатадилар: тайёрланадиган маҳсулотлар номенклатурасининг мураккаблиги ва турғунлиги; ихтисослашиш даражаси; ишлаб чиқаришнинг кўлами; чиқаришнинг шартли миқдори ва қайтарилиши. Ишлаб чиқаришда ўрта асосий тур мавжуд:

Якка, оммавий ва серияли. Якка ишлаб чиқариш, истеъмоли чекланган, номномаси (номенклатураси) ўзгарувчан, ҳар хил донабай маҳсулотлар чиқаришни кўзда тутди.

Бу турдаги ишлаб чиқаришнинг муҳим хусусиятлари:

- Чиқараладиган маҳсулотларнинг кўп номенклатуралиги (номлиги), кўпинча такрорланмаслиги;
- Технологик ихтисослашга қараб иш жойларини ташкил этиш;
- Ишчиларга деталлар, қисм ва агрегатлар, йиғув ва монтаж операцияларнинг доимий номенклатурасини белгилаб қўйиш имконияти йўқлиги;
- Универсал жиҳозлардан фойдаланиш ва технологик жиҳозлаш мумкинлиги;
- Қўл йиғим ва якунлов операциялари ҳажмининг кўплиги;
- Ишлаб чиқариш билан машғул юқори-малакали ишчи-универсаллар сонининг кўплиги;
- Ишлаб чиқариш цикл(давр)ларининг узунлиги (узқлиги);
- Тугатилмаган ишлаб чиқаришнинг катта миқдори;
- Тезкор-ишлаб чиқариш режалашни ва ишлаб чиқариш бошқарувининг марказлашмаганлиги;
- Сифат назорати жараёнини автоматизациялашнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;
- Маҳсулот сифатини бошқаришда статистик усулларни қўллаш имконияти йўқлиги.

Оммавий ишлаб чиқариш ўзқ муддат давомида чиқарилиши такрорланадиган кенг номенклатура (номнома)ли бир хил маҳсулотни сериялар билан бирданига тайёрлаш кўзда тутилган.

Серия билан деганда, режа даври давомида узлуксиз бир йўла ёки кетма-кет ишлаб чиқаришга юбориб, тузилиши бир хил бўлган қатор маҳсулотларни чиқариш тушунилади.

Оммавий ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг асосий хусусиятларини:

- Катта миқдорда такроран тайёрланадиган маҳсулотлар номномаси номенклатурасининг нисбий катталигининг ўзгармаслиги;
- Бир неча операцияларни бажариш учун биркитилган иш жойларининг ихтисосланиши;
- Маҳсулот тайёрланишининг сериялилиги, деталларга партия билан ишлов беришнинг даврийлиги;
- Махсус ва ихтисосланган жиҳозлар ва технологик жиҳозланишнинг устунлиги;
- Қўл йиғма ва охилов операцияларнинг кам ҳажмда мавжудлиги;
- Ўрта малакали ишчилар сонининг кўплиги;
- Ишлаб чиқариш цикли (даври)нинг ўнча ўзқ бўлмагани;
- Ишлаб чиқаришни тезроқ режалаш ва бошқарувининг марказлашиши;
- Тайёрланадиган маҳсулотлар сифатини назорат қилишнинг автоматизациялаштирилиши;
- Маҳсулот сифатини бошқарувида статистик усулни қўлланилиши;
- Деталлар ва маҳсулотларнинг тузилишини унификация қилиши (соддалаштириш);
- Технологик жараёнлар ва жиҳозларни турланиши.

Оммавий ишлаб чиқаришга самолётсозлик ва моторсозлик заводлари мисол бўла олади.

Серияларда бир йўла тайёрланадиган маҳсулотларнинг сонига қараб майда серияли, ўрта серияли ва катта серияли оммавий ишлаб чиқариш бўлади.

Кўплаб ишлаб чиқариш, номенклатураси чекланган, бир хил маҳсулотларни нисбатан ўзқ муддат давомида узлуксиз кўп миқдорда тайёрланишини англатади. Кўплаб ишлаб чиқариш – ишлаб чиқаришни ихтисослашнинг олий шаклидир.

Деталлар, қисмлар ва агрегатларни ихтиро (конструкция)лашда андозалашнинг юқори даражаси бир хил шаклга киритиш (унификация) кўплаб ишлаб чиқаришнинг қатъий шартидир.

Кўплаб ишлаб чиқаришга қуйидаги хусусиятлар мансуб:

- Кичик номенклатурали маҳсулотларни катта миқдорда чиқаришни жиддий белгиланганлиги;
- Бир операцияни бажариш беркитилган ишчи ўрнининг ихтисосланиши; иш ўринларининг операциялар бориши тартибда жойланиши;

- Махсус ва ихтисослашган жиҳозлар ҳамда технологик жиҳозланиш солиштирма оғирлиги катталиги;
- Комплексли-механизациялаштирилган, автоматлаштирилган технологик жараёнлар фоизининг юқорилиги;
- Операцияларнинг тайёрлов-яқунлов вақтларининг камлиги;
- Қўлда йиғма ва яқунлов ишлар хажмининг кескин қисқарилиши, иш жойининг юқори даражада бандлиги;
- Ҳар бири бир беркитилган операцияни бажарувчи, паст малакали ишчилар меҳнатидан фойдаланишлик;
- Ишлаб чиқариш цикли давомийлигининг кўплаб ишлаб чиқаришга нисбатан минималлиги;
- Ишлаб чиқаришни бошқариш ва режалашнинг марказлашганлиги;
- Ишлаб чиқаришни масофали диспетчерлаштиришнинг узлуксизлиги;
- Корхона бошқарув тизимини автоматлаштиришни қўлланилиши (кбта);
- Махсулот сифатга автоматлаштирилган назоратининг юқори даражаси;
- Махсулот сифати бошқарувида статистик усулни кенг қўлланилиши.

Ишлаб чиқариш тури корхона тузилмасининг шаклланишига ишлаб чиқаришда ихчамлаштиришни ташкил этиш шароити талаби ва мезонинига сезиларли таъсир этади.

Ишлаб чиқариш тузилмасига қўйидаги омиллар таъсир этади:

- Корхонанинг тармоқли қарамлиги - чиқараладиган махсулот номномаси (номенклатураси), унинг конструктив хусусиятлари, қўлланиладиган материаллар, тайёрловни (заготовка) ва унга ишлов бериш усуллари;

- Конструкция оддийлиги ва махсулотнинг технологияга мойиллиги;
- Махсулот сифатига қўйиладиган талаблар даражаси;
- Ишлаб чиқариш тури, унинг ихтисослашиш ва кооперациялаш даражаси;
- Жиҳозлар таркиби ва технологик жиҳозланиш –универсал, махсус, ностандарт жиҳозлар, конвейерли ёки автоматик узатувчи механизм (линия)лар;
- Жиҳозларга хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг марказлаштирилганлиги ёки марказдан чиқарилганлиги, уни жорий таъмирлаш;
- Ишлаб чиқаришнинг ўзгартирилган янги номенклатурадаги махсулот чиқаришга тезроқ ва кам нобудчилик билан қайта мослашишга қобилиятлилиги;

- Асосий, ёрдамчи, қўмақловчи ва бошқа цехларда ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти;

Ҳар хил тармоқдаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш тузилмаси асосий ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқадиган ўз хусусиятларига эга.

Тукимачилик фабрикаларида, кўпинча алоҳида ишлаб чиқариш материалларнинг бирданига ихтисосланиши билан бўладиган технологик тузилма ишлайди.

Кўпчилик фабрикаларда мато тайёрлашнинг ҳамма босқичи мавжуд – йигирув, тўқиш, пардозлаш.

Ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўллари:

- Корхона ва цехларнинг йириклаштириш;
- Цехлар ва корхоналарнинг такомиллашган кўриши тамойилларини излаш ва амалга ошириш;
- Асосий, ёрдамчи ва хизмат қилувчи цехлар орасидаги мақсадга мувофиқ нисбатга риоя қилиш;
- Корхонада режалаштиришни мақсадга мувофиқлаштириш бўйича мунтазам ишлаш.

Корхона ва цехларни йириклаштириш янги, юқори унумдор техникани кенг миқёсда қўллаш, технологияни мунтазам такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш имконини беради.

Асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехлар орасидаги нисбатнинг мақсадга мувофиқлигига риоя қилиш ишчилар сони, асосий фондлар қиймати, майдони кенглиги бўйича асосий цехлар таққосланган ҳолда амалга ошириш лозим.

Тузулиш жиҳатидан корхона иқтисодиёти алоҳида бўғинлар жамламаси иқтисодидек шаклланиши керак. Корхона тартибида кирувчи (бирлашмалар) бўғинлар мутаносиблиги, биргаликда охириги махсулот чиқариш билан ўзаро боғланган цех ва ишлаб чиқариш майдонлари ишлаб чиқариш қувватининг тўғрилиги (мақсадга мувофиқлиги) билан белгиланади (баҳоланади).

Комбинациялашнинг ривожини хом-ашё ва материаллардан комплекс фойдаланиш, жонли ва буюмлашган меҳнатни тежаш, ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келади.

Маҳсулотнинг конструктив-технологик бир турлилигини ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, чуқурлаштириш, оқимли линияларни ва автоматлаштирилган маҳсулот тайёрлашни ташкил этишда яхши шароит яратлади.

Корхонанинг цехларсиз бошқаруви унинг ҳамма бўғинмалари бошқарувининг такомиллашувчи, хизмат қилувчи ва бошқарув аппаратининг қисқаришига ва оқибатга ишлаб чиқариш харажатларини камайитишга олиб келади.

Тўғри тузилган, доимий такомиллашувчи ишлаб чиқариш тузилмаси уни ташкил этишга мос келишувини, корхонанинг ҳамма цехлари ва хизмат қилувчиларнинг мутаносиблигини тақозо этади ва ўз навбатида техник-иқтисодий кўрсаткичларга ихтисослаш ва кооперациялаш даражасига, ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигига маҳсулот тайёрлаш ва чиқариш бир маромда бўлишига, меҳнат унумдорлиги ўсишига, маҳсулот сифати яхшиланишига, меҳнат материал ва молиявий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг бош режаси – ҳудудни режага солиш ва ободонлаштириш, бинолар ва иншоотлар, транспорт алоқалари, муҳандислик тармоқлари, хўжалик ва маиший хизмат тизимини ташкил этиш, ҳамда саноат зонасида жойлашган корхона ва ҳоказо масалаларни комплекс ҳал этишни ўз ичига олган саноат корхонаси лойиҳасининг муҳим қисмларидан биттасидир.

Бош режага катта талаблар қўйилади, уларнинг асосийлари:

1. Ишлаб чиқариш бўлимларининг технологик жараён бўйича қатъий равишда жойлашуви – хом-ашё материаллар ва яримтайёр маҳсулотлар омборхонаси, тайёрлов ишлов бериш, йиғув цехлари, тайёр маҳсулотлар омборхонаси.

2. Ёрдамчи майдон, хўжаликларнинг хизмат кўрсатадиган асосий ишлаб чиқариш цехлари яқинида жойлашуви.

3. Корхона ичида темир йўл шахобчасининг қулай тузулиши. У, хом-ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар омборхонаси ва тайёр маҳсулотлар омборхонаси бинолари ёнига келтирилган бўлиши керак.

4. Хом-ашё, материаллар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ташиш йўлининг энг тўғри ва қисқа бўлиши.

5. Бино ичида ва ундан ташқарида қарши ва қайтар оқимлардан холи бўлиши.

6. Корхона ташқи алоқалари жойланишининг ва уларнинг муҳандислик тармоқларига, автомобиль йўлларига, темир йўл ва бошқаларга қўшилишининг энг мақсадга мувофиқроқ бўлиши.

7. Цехлар, уларга хизмат кўрсатувчи лабораториялар (ўлчов, химия, рентгенназорат, ультратовуш ва бошқалар), ҳамда деталларга термик ишлов ва ҳимоя-қоплов берувчи цехлар, тайёр маҳсулотларнинг маҳсул жойланиши.

Бош режа корхонанинг янада ривожланиш имкониятларини кўзда тутиши ва ишлаб чиқаришнинг кам сарф билан юқори самара оладиган тузилмасини яратиши ва корхонанинг барча ишчилари эҳтиёжларини максимал қондириш учун шароит яратиши лозим.

Асосий, ёрдамчи, қўшимча, хизмат қилувчи цех ва майдонлар, бошқарув ташкилоти, транспорт магистраларининг корхона ҳудудида жойланиши ишлаб чиқаришни ташкил этишга, унинг иқтисодига катта таъсир кўрсатади; юк ҳаракати йўналишларини, рельсли ва рельсиз йўллар масофасини ҳамда ишлаб чиқариш майдонидан самарали фойдаланишни аниқлайди.

2.2 Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда режалаштириш ва бошқаришнинг асосий йўналишлари

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодиёт назарияси фанининг долзарб муаммоси сифатида, унинг диққат марказида бўлиб келади. Айниқса, ҳозирги пайтда бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб, мамлакатимиз олдида турган муҳим масала мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди.

Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг провард натижаси билан унга авансланган ресурслар , маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади .

Лекин турли ижтимоий –иқтисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб , самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади.

Республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг асл моҳияти –мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг турли шакллари асосланган ишлаб чиқаришни вужудга келтириш орқали ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини таркиб топтиришдир. Ваҳоланки, бозор иқтисодиётига ўтиш , иқтисодий ислохотларни доимий равишда чуқурлаштиришни, унинг мақсад ва вазифаларини қуйи меҳнат жамоаларига ўз вақтида тўғри етказиш , халқ ҳўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг тубдан янги шакл ва услубларини жорий қилишни тақозо қилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг энг муҳим вазифаси – аграр соҳани, қолаверса, бутун иқтисодиётни юксалтириш, меҳнатакшларнинг ишга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартиришдир .

Ривожланган чет мамлакатлар ҳўжалик юритиш тажрибасидан маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчиликка асосланган ҳўжалик юритиш шакллари ривожлантириш бевосита ижтимоий–иқтисодий муносабатларни ва ҳўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Бинобарин, кишлок ҳўжалигида ушбу муаммони ижобий ҳал қилиш ҳўжаликларга эркинлик ва мустақиллик беришни, ҳўжалик юритишда иқтисодий услубларга таянишни ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни ва тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо қилади.

Ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиётнинг асосини яратади.

Шу сабабли ҳам, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кўпгина ресурслар чегараланган, уларнинг аксарияти (металл, қурилиш материаллари ва бошқалар) хориждан келтирилади. Шунинг учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий ва хорижий сармояларни устувор соҳаларга жойлаштириш каби самарадорликни ошириш воситаларига етарли даражада эътибор бериш талаб қилинади.

“Самарадорлик” сўзи натижа деган маънони беради. Корхоналар иқтисодиётига бағишланган аксарият адабиётларда ишлаб чиқаришнинг фақатгина иқтисодий самарадорлиги ҳақида сўз кетади. Ҳолбуки, мамлакатда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар кишиларнинг эътиборини жалб қилмоқда ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганишни ва уларга баҳо беришни зарурият қилмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий самарадорлигини ўрганиш ўта муҳимдир. Улар ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган категориялардир.

Самарадорликнинг умумий ҳолати, жумладан, ижтимоий-иқтисодий самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик - чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда эришилган, аҳолининг ижтимоий иқтисодий истеъмол даражасини юксалтиришдир.

Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг қондирилиши - инсон камолотининг юксалиши, моддий ва ижтимоий фаровонлигининг ўсиши, маданий ва маънавий жиҳатдан ривожланишида кўринади. Инсон фаровонлиги ҳамда камолоти нақадар юксалса, шу қадар юқори ижтимоий-иқтисодий самарадорликга эришган бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги унинг пировард мақсад натижасида ўз ифодасини топади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик таркибида иқтисодий самарадорлик алоҳида эътиборга эга.

Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида омиллар (ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик) харажат қилинади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади. Харажат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади.

Ишлаб чиқаришнинг натижаси ижтимоий самарадорлик орқали ҳам ифодаланади. Корхонанинг ижтимоий самарадорлиги мезони истеъмолчиларни эҳтиёжларини қондирилиш даражаси билан белгиланади. Ижтимоий самарадорликнинг кўрсаткичлари аҳолининг даромадлар миқдори, иш билан бандлиги, саломатлигини сақлаш, меҳнат малакасини юксалтириш, маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтлари кабиларни аниқлаш билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги - мураккаб категориядир. Унда ишлаб чиқариш натижаларига ҳамда, харажатларига таъсир кўрсатувчи омиллар мужассамлангандир. Унда ишлаб чиқариш натижаларининг ўсиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳамда маҳсулот ассортименти тузилишининг ижтимоий эҳтиёжлар тузилишига тўғри келишида ўзининг аксини топади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- * Маҳсулот сифати ва таркибининг яхшиланиши;
- * Жонли меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- * Материал сарфининг камайиши;
- * Фонд самарасининг ошиши.

Юқоридагилардан шуни англаш лозимки, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўлчаш учун кўрсаткичлар тизими зарур.

Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш чуқур ислохотларни амалга оширишни талаб қилади. Барча корхона ишлаб чиқаришни интенсивлаштирувчи тадбирларни амалга ошириши зарур. Самарали ташкил этилган иқтисодиётга ўтиш ҳар тамонлама ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан таъминланган бўлиши лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи энг муҳим омил - бу фан ва техника тараққиёти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Охириги вақтларгача фан-техника тараққиёти эволюцион тарзда ривожланиб келди. Натижада амалдаги технологиялар такомиллашиб, машина ва ускуналар қисман замонавийлашди. Бундай натижа сезиларли, лекин кутилганидек эмас эди.

Янги техникалар бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш етарли даражада эмас эди. Эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги шароитида фан ва техниканинг охириги ютуқлари асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилган революцион ва сифатий ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- * илғор технологияларни кенг ўзлаштириш: юқори босим ва таъсирчан кучлар қўлланиладиган мембранали, лазерли, плазмали технологиялар ва бошқалар;
- * ишлаб чиқаришни автоматлаштириш - юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи робот техникалар, роторли ва ротор - конвейр линиялар, мосланувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- * металл маҳсулотлар, пластик қоричма, композитлар, металл кукунлар, керамик ва бошқа прогрессив тузулишли материалларнинг янги шакллари яратиш ва ундан фойдаланиш.

Эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида энг муҳим тадбирлар фан-техник характерида эга бўлади. Фойданинг катта қисми, солиқлар тўлангач, корхоналар ихтиёрида қолади. Бундай ҳолат меъёрий эмас. Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан корхоналар келажакдаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга етарли эътибор бера бошлайдилар. Янги техникаларга, ишлаб чиқаришни янгилашга, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга зарурий воситаларни йўллайдилар. Ундан ташқари, ташкилий шарт-шароитлар ва омиллар, конструкторлар, инженерлар, ишчилар ижодий меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий мотивлар яратиш зарур. Техник ва технологик янгиланишлар, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар меҳнат унумдорлигининг ошишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бунинг учун янги техника ва технологияларни жорий қилишни таъминлаш, ишлаб чиқаришга меҳнатни илмий ташкил этишнинг прогрессив шакллари жорий қилиш, уни меъёрлашни такомиллаштириш, меҳнат маданиятини ошириш, тартиб-интизомга эришиш, меҳнат жамоасининг барқарорлигини таъминлаш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи яна бир муҳим омил бу - тежамкорлик режими ҳисобланади. Ресурсларни тежаш ёнилғи, энергия, хом-ашё ва материалларга бўлган ўсиб боровчи талабни қондиришининг асосий манбаига айланиши лозим. Бу муаммоларни ечишда саноат асосий

ўринни эгаллайди. Бу тармоқда хом-ашё ва ёнилғи-энергетик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган машина ва ускуналарни жорий қилиш лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий даромад бирлигига ҳисоблаганда бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда ёнилғи, электроэнергия, металллар сезиларли даражада кўп сарфланаяпти. Бу эса катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишда ресурсларнинг тақчиллигига олиб келади. Шунинг учун, мамлакат машинасозлигини тубдан замонавийлаштириш зарур. Бу эса фан-техник тараққиёти негизида бутун халқ хўжалигини реконструкция қилишнинг муҳим шартидир. Бунга эришишга қаратилган узоқ муддатли, стратегик мақсадлар аҳолининг зарурий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш билан уйғунлашмоғи лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши кўп ҳолларда асосий фондлардан яхшироқ фойдаланишга боғлиқ бўлади. Мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ускуналарни максимал даражада иш билан таъминлаш, унинг сменалигини кескин ошириш ва шу асосда ҳар бир ускуна бирлигига ва ҳар бир метр квадрат ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини ошириш зарур.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштирувчи ва унинг самарадорлигини оширувчи омиллардан бири - иқтисодиётнинг структурасини такомиллаштириш. Фан-техника тараққиётини таъминлайдиган ва ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қиладиган тармоқларни нисбатан юқори даражада ривожлантириш зарур.

Инвестицион сиёсат капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган. Маблағларни фан-техника тараққиётини

тезлаштиришни таъминловчи тармоқлар фойдасига қайта тақсимлаш лозим. Маблағларнинг катта қисми фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга ва реконструкция қилишга йўналтирилиши керак.

Халқ хўжалигининг барча тармоғида фан-техника тараққиётининг асоси ҳисобланган машинасозлик тезкор ривожлантирилиши лозим. Бунда асосий эътибор станоксозлик, электротехника саноати, микроэлектроника, ҳисоблаш техникаси, приборсозлик, информатика индустриясига қаратилиши керак.

Ёнилғи-энергетика баланси структурасини яхшилаш, хавфсизлиги максимум даражада таъминланган атом энергетикасини ривожлантириш билан биргаликда олиб борилади. Бунинг учун эса халқ хўжалигининг барча тармоқларида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилиб бориши лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим: халқ истеъмоли товарлари ва барча турдаги хизматлар ишлаб чиқаришни тезкор оширишни таъминлаш; кичик корхоналарни ривожлантириш; ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш; ишлаб чиқариш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш; транспорт, электр, нефт ва газ таъминоти тизимини ҳамда алоқа ва ахборот таъминотини яхшилаш.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий ўринлардан бирини (бошқарувни ўз ичига олувчи) ташкилий-иқтисодий омиллар эгаллайди. Ижтимоий ишлаб чиқариш масштабининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан унинг роли ортиб боради. Энг аввало, бу ишлаб чиқаришнинг рационал шакллари ривожлантириш ва такомиллаштириш демакдир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Уни ривожлантириш талаб қилинади. Бу бошқариш, режалаштириш, барча хўжалик механизмларини иқтисодий рағбатлантиришнинг усуллари ва шакллари такомиллаштириш; режалаштиришда - режаларнинг баланслашганлиги ва ҳаққонийлиги, халқ хўжалигининг қуйи бўғинларига тўсқинлик қилмасдан, фаолияти учун имкониятлар яратадиган режали кўрсаткичларнинг оптимал тузилган тизимини яратишни тақозо қилади. Ушбу омиллар тизимида қуйидагилар ҳам киради: тижорат ҳисоби ва моддий рағбатлантириш дастаклари, моддий жавобгарлик ва бошқа иқтисодий рағбатларнинг кенг қўлланилиши.

Самарали хўжалик юритиш муаммосини ҳал қилишда, ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни яратиш ҳамда уни амалиётга жорий қилишда асосий ўринлардан бирини фан ўйнайди.

Фан-техника тараққийини тезлаштиришнинг актуал муаммолари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш лозим. Бу эса ишлаб чиқаришнинг меҳнат, материал ва энергия сифимини камайтиради ҳамда маҳсулот сифатининг ошишига олиб келади.

Эркин бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи барча омилларнинг таъсир қилиш имконияти сезиларли ўзгаради. Халқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар амалга оширилади, - у истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, унга мослаштирилади; халқ хўжалигининг муҳим тармоқлари - саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа юқори технологиялар асосида замонавийлаштирилади; жаҳон фан-техника тараққийи даражасига тенглаштирилади; ҳарбий ишлаб чиқариш конверсияланади; турли мулк шакллари (давлат, хусусий, акционерлик ва жамоа мулкчилигига) асосланган кўп укладли иқтисодиётга ўтилади; хўжалик юритишнинг барча шакллари эркин ривожлантирилади; иқтисодиёт молиявий соғломлаштирилади; мамлакат халқаро алоқаларга узвий боғланади.

Юқорида таъкидланганлар натижасида бошқариладиган, маданиятли бозор хўжалиги шаклланади. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига, жами ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, миллий бойликнинг ортишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи бир қанча кўрсаткичлар мавжуд, жумладан, маҳсулот (иш, хизмат)ларга талабнинг қондирилишини тавсифловчи кўрсаткичлар, меҳнат шароити ва табиатини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларга истеъмолчилар талабининг қондирилишини тавсифловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- маҳсулот (иш, хизмат)лар таркибининг истеъмолчилар талабига мос келиши коэффициенти. Бу кўрсаткич товар заҳираларида туриб қолган (ўтмас) товарларнинг ҳиссаси кўринишида тавсифланади. Бу кўрсаткичнинг ўсиши ижтимоий самаранинг пасаяётганидан дарак беради. Эркин иқтисодиёт шароитида маҳсулот (иш, хизмат)нинг сифати ва унинг истеъмолчи талабига мос келиши учун кураш корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади;

- реклама воситасида маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг мавжуд турлари билан истеъмолчиларни таништириш даражаси. Ҳозирги пайтда харидорни товарларнинг хусусиятлари, сифати ва бошқа афзалликлари кўпроқ қизиқтиради. Бу масалаларда эса унга реклама ёрдам беради. Унинг маҳсулот (иш, хизмат)ларни истеъмолчиларга таништириш даражасини ўрганишда турли шаклдаги рекламалардан (телевидение, радио ва газеталардан, спортчилардан) фойдаланувчи корхоналар ҳиссасини аниқлаш керак бўлади;

- истеъмол саватчаси доирасида истеъмолни таъминлаш коэффициенти ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар таркибида меҳнат шароити ва табиатини тавсифловчи кўрсаткичлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар асосан, қуйидагилардан иборат:

- меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси;
- меҳнат жараёнларини роботлаштириш даражаси;
- ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар, асбоб ускуналар ва механизмларнинг илғорлик (замонавийлик) даражаси;

- меҳнатни электрлаштириш даражаси;
- иситиш, совутиш, юклаш-тушириш, кўтариш-юклаш ускуналар ва бошқа асбоблар билан ҳақиқий таъминланишнинг меъёрларга мослиги даражаси;

- бино ва иншоотларнинг давр талабларига жавоб бериш даражаси (уларнинг замонавий лойиҳа асосида қурилиши, уларда ишлаш ва дам олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги);

- ўралган, қадокланган ва идишларга солинган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилган жами маҳсулотлардаги ҳиссаси;

- корхоналарнинг соғломлаштириш, спорт ва мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва бошқалар билан таъминланганлик даражаси;

- корхоналарда ходимлар ва мутахассислар сафининг тўлдирилиши коэффициенти. Бу ҳақиқий ишловчи ходимлар сонини белгиланган меъёр билан қиёслаш асосида аниқланади;

- корхоналар ходимларининг даволаниш ва саёҳат учун йўлланмалар билан таъминланиш даражаси;
- ходимлар ва мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш даражаси;

- ишлаб чиқариш жараёнида аклий меҳнат ҳиссасининг ва ижодкорликнинг ошиб бориши, меҳнат интизоми бузилиши ҳолларининг камайиши, ходимлар қўнимсизлигини пасайтириш ва бошқалар.

қайд этилган кўрсаткичлар ижтимоий самарадорликнинг алоҳида йўналишларини тавсифлайди. Улар биргаликда ҳисобланса ва ижтимоий самарадорликни баҳолашда биргаликда қўлланилса, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигига тўлиқ баҳо бериш имкониятини тўғдиради.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари узвий боғлиқ. Ижтимоий самарани оширмасдан туриб иқтисодий самарани ўстириб бўлмайди ва аксинча.

Умуман, ривожланган чет давлатларининг тажрибаси кўрсатишича, бозор тизимининг самарали ишлаши учун қуйидагича шарт-шароитлар яратилиши лозим :

- хўжалик фаолиятини тўла эркинлаштиришни таъминлаш .
- Эркин товар ишлаб чиқарувчи ишбилармонларни ва тадбиркорларни, ташкилот ва корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда уларнинг ижтимоий ўрнини тан олиш;
- Турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари меҳнаткашларнинг якуний провард натижаларига жавобгарликни ва манфаатдорлигини таъминлаш. Шунингдек, қайси тартмоқда мулкчилик ва хўжалик юритишнинг қайси шакли самарали бўлишини тўғри танлай билиш;
- Махсулотга бўлган талабни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, махсулот сифатини ва турини ошириш;
- Давлатнинг хўжаликлар фаолиятида иштирокидан воз кечиш

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий даромад бирлигига ҳисоблаганда бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда ёнилғи, электроэнергия, металл сезиларли даражада кўп сарфланаяпти. Бу эса катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишда ресурсларнинг тақчиллигига олиб келади. Шунинг учун, мамлакат машинасозлигини тубдан замонавийлаштириш зарур. Бу эса фан-техник тараққиёти негизида бутун халқ хўжалигини реконструкция қилишнинг муҳим шартидир. Бунга эришишга қаратилган узоқ муддатли, стратегик мақсадлар аҳолининг зарурий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш билан уйғунлашмоғи лозим.

2.3 Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш усул ва тамоиллари.

Бошқарувнинг таркибий тузилиши деганда бошқарув бўғинлари ва босқичлари миқдори ва таркиби тушунилади. Бошқарув ташкилий тузилишининг оддий ва тушунарли бўлиши унинг иш қобилияти юқори бўлишини кафолатлайди, яъни бошқарув ташкилий тузилмасида босқич ва бўғинлар қанча кам бўлса, бошқарув шунчалик самарали бўлади.

Бошқарув бўғинлари - бу битта ёки бир-қанча вазифаларни бажарувчи мустақил таркибий унсурлардир. Тузилма элементлари, уларнинг бўлинмалари ва бошқарув аппаратида ишловчилардир.

Бошқарув босқичлари - бу бошқариш бирор даражасидаги маълум бўғинлар йиғиндиси. Шу белгисига кўра бошқарувнинг ташкилий тузилмалари - кўп босқичли (кўп бўғинли), уч, икки босқичли (бўғинли) бўлади. Босқичлар ва бўғинлар ўртасидаги алқа вертикал ва горизонтал бўлиши мумкин. Вертикал бўғинлар раҳбарларнинг уларга бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни, горизонтал алоқалар бошқарувнинг тенг ҳуқуқли бўғин ва унсурлари ўртасидаги муносабатларни билдиради.

Иқтисодиётн бошқарув ташкилотлари юқори, қуйи, тенг ҳуқуқли ташкилотларга бўлинади. Юқори ташкилотлар республика ва тармоқ бошқарув ташкилотларига ажратилади.

Умумдават бошқарув ташкилотлари ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини бирлаштирадilar. Умумдават бошқарув ташкилотлари Республика Конституциясига асосланган ҳолда фаолият юритади.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг умумдават ташкилотлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ташкилотларига бўлинади. Қонун чиқарувчи олий ташкилот - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. У хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонун, қонуний актларни тасдиқлайди. Давлат режалари ва бюджетининг бажарилиши ҳақида ҳисоботни муҳокама қилиб тасдиқлайди, иқтисодиётни бошқаришнинг ижроия ташкилотларини шакллантиради.

Халқ ҳўжалигини бошқаришнинг ижроия ташкилотларига умумий, тармоқ ва махсус ваколатга эга ташкилотлар киради. Умумий ваколатга эга ижроия ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар махкамаси ва ҳокимиятлар киради.

Махсус ваколатли ташкилотлар тармоқлараро хусусиятга эга вазифаларни бажарадилар. Улар қаторига Давлат қўмиталарини киритиш мумкин.

Умумдавлат бошқаруви ташкилотларининг асосий вазифаларига:

- Фан техника тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаш;
- табиий муҳитни муҳофаза қилиш;
- пул ва кредит тизимига раҳбарлик қилиш;
- солиқ ва даромадларни белгилаш;
- ҳисоб ва статистикани ташкил этиш;
- нарх ва тарифларни белгилаш;
- халқ ҳўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг доимий иш юритувчи ташкилотлари фаолияти тармоқлараро илмий-техникавий ишларга раҳбарлик қилиш, фан-техника соҳасида танлов, қўнгилли асосда ишларни ташкил этиш каби вазифаларни бажаради.

Республика товар биржаларининг асосий вазифаси корхоналар билан ҳамкорликда минтақада моддий техникавий таъминотнинг барқарор ва самарали тизимини ташкил этиш, истеъмолли ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида барқарор минтақавий алоқаларни ўрнатиш, маҳсулот етказиб беришни назорат қилиш, корхоналарга уларни моддий техникавий таъминлашда қўмак беришдан иборатдир. Моддий-техникавий таъминот ташкилотлари ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаб чиқариш воситаларини сотишнинг қўп тармоқли савдони таъминлаш ва моддий ресурслардан мақбул фойдаланишга раҳбарлик қиладилар.

Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари давлат ва корхоналар манфаатларини ҳимоя этишга асосланган бутунлай янги молиявий сиёсатни амалга оширади, ҳўжалик юритиш самарадорлигини сўм билан назорат этишни таъминлайди, ширкат ва индивидуал меҳнат фаолиятини молия-кредит воситасида тартибга солиш бўйича чораларни белгилайди, аҳолии даромадларидан солиқ олиш, бозор иқтисодиётига мос иш усуллари ва шакллари жорий этади, бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш тизимини ўзгартиради, уни иқтисодий мейёр ва нормативлар асосида ташкил этади, иш сифатини оширишни иқтисодий рағбатлантириш ва ажратилган маблағлардан мақбул равишда фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш усуллари кенг қўллашни таъминлайди.

Республика Марказий банки иқтисодиётдаги барча кредит ва ҳисоб китоб муносабатларини ташкил этувчи ва тартибга солувчи бош банкдир.

Тижорат банклари тизими фаолияти тўлиқ ҳўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молия билан таъминлаши асосига ўтказилади.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари тўли бандликни, банд бўлмаган меҳнат ресурсларини қайта тайёрлаш ва касб ўргатиш, кадрларга бўлган талабни қондиришни таъминлайдилар.

Республика вазирликлари республика ҳудудидаги концернлар тармоқларни

бошқаришни амалга оширадилар. Тармоқни бошқариш тизимига яқка раҳбарлик асосида иш юритувчи вазир бошчилиқ қиладди. У қўл остидаги вазирлик ва унга қарашли корхоналар фаолиятига шахсан жавобгардир.

Ҳар бир вазирликда вазир тармоқни бошқаришнинг муҳим масалаларини коллегиял равишда қўриб чиқиш в амалга оширишга имкон берувчи маслаҳат ташкилотлари ташкил этилади. Бош маслаҳат берувчи ташкилот – коллегия бўлиб, унинг таркибига вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, корхоналар раҳбарлари киради.

Халқ ҳўжалиги тармоғи таркибида ҳам давлат, ҳам хусусий корхона, фирма, акционер жамиятлари фаолият юритади. Корхона, фирма, акционерлар жамиятлари фан-техника салоҳиятидаги самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва уйғунлаштириш ва уйғунлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилади. Улар ҳўжалик ҳисоби асосида саноат, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи таркибий қисмлардан ташкил топади. Таркибий

қисм банкда алоҳида баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлиши ва ижара пудрати бўйича, хусусий соҳада иш юритиши мумкин.


Корхона, фирма, акционерлик жамияти таркибий бирликка қарашли асосий фонд ва маблағларни бириктиради, ички хўжалик муносабатларини амалга ошириш, таркибий бирликлар Ўртасидаги мунозараларни ҳал этиш, шунингдек, улар Ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарлик тартибини белгилайдилар. Таркибий бирлик қонунда белгиланган ҳуқуқлари доирасида унга бириктирилган мулкни тасарруф этади, фирма, акционерлари жамиятлари номидан бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузадилар. Корхона, фирма, акционерлар жамиятлари таркибий бирликка Ўз номидан шартнома тузиш ва бу шартнома бўйича жавобгар бўлиш ҳуқуқини беради.

Корхонани бошқариш корхона тўғрисида қонунга асосан амалга оширилади. Бу қонунда кўзда тутилган тамойиллардан бири бутун жамоанинг ҳамда унинг ташкилотлари муҳим қарорларни қабул қилиш ва уни бажаришни назорат қилишда иштирок этиш йўли билан амалга ошириладиган ўз-ўзини бошқариш тамойилидир.

Ташкилий тузилмалар жуда турли-туман, лекин улар умумий изчил боғлиқликка эга ва қонуниятларга бўйсунди. Бошқаришнинг ташкилий тузилмасининг асосий тўғри чизикли ва функционал турларидир. Улар бириктириш асосида турли хил чизикли- функционал тузилмалар таркиб топади.


2.3.1 расм

Бошқаришнинг тўғри чизикли ташкилий тузилмаси




2.3.2 расм

Бошқаришнинг функционал ташкилий тузилмаси




2.3.3 расм

Бошқаришнинг чизикли штабли ташкилий тузилмаси



Бошқаришнинг чизикли функционал ташкилий тузилмаси



Шартли белгилар: Р - рахбар, Б - бошлиқ, У - уста, Ф - функционал рахбар
Ш - штаб, 1,1; 1,2;1,3 - функционал бўлимлар.

Чизикли тузилма (2.3.1 расм) унинг қуйи бошқарув бўғинлари юқори босқичдаги рахбарга бевосита бўйсунуши билан тавсифланади. Чизикли тузилмада ҳар бир ходим битта рахбарга бўйсунди ва юқори тизим билан фақат у орқали боғланган бўлади. чизикли тузилманинг ижобий томонлари унинг оддий, ишончли, камхаржлигидир. Ҳар бир рахбар бутун меҳнат жамоаси фаолияти натижалари бўйича жавобгар. Бу стратегик ва жорий қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи марказлашишига олиб келади.

Чизикли тузилмаларни ҳал этилувчи масалалар доираси кенг бўлмаган, бу масалалар ечилиши осон бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Соф ҳолда чизикли бошқарув жуда кам, асосан, бригада, бўлим, ширкат, кичик корхоналарда қўлланилади.

Чизикли тузилманинг асосий камчилиги бўғинлар координацияси пухта бўлмайди. Рахбар универсал мутахассис бўлиши ва унга бўйсунувчи барча бўғинлар фаолиятининг ҳамма томонини қамраб олиши лозим.

Функционал тузилма (2.3.2 расм) - бошқарув вазифаларининг функционал бўғинлар ва рахбарлар ўртасида тақсимланишига асосланади. У бошқарув мураккаблашуви ва ихтисослашув ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Функционал тузилмада бошқарувчи кўрсатмалар нисбатан малакали бўлади, лекин яқка бошчилик тамойилига риоя қилинмайди. Функционал бўғинлар сони ортиши билан ҳар бир бўғин мустақил равишда ҳал этувчи масалалар доираси торайиб боради.

Муаммонинг моҳияти ҳар бир бўғин ўз масаласини биринчи навбатда ҳал қилишдан манфаатдор бўлишида эмас, балки битта ҳам бўғин бу масалани етарли даражада асосланган ҳолда ва тўғри ҳал қила олмаслиги, ечимлар майдалашиб, тўлиқ бўлмай қолишидадир. Бу бошқарувни мараккаблаштириб, унинг самарадорлигини камайтиради. Чизикли тузилмани ташкил этиш ва фнукионал тузилманинг камчиликлари қўшма, бириктирилган тузилмалар - чизикли-штабли, чизикли- функционал ва бошқа тузилмалар вужудга келишига сабаб бўлди.

Чизикли-штабли тузилмада (2.3.3 расм) чизикли тузилма асос қилиб олинади, лекин бошқарувнинг қуйи бўғинга эга ҳар бир бўғинида айрим муҳим муаммолар бўйича штаблар тузилади. Штаблар малакали қарорлар тайёрлайдилар, лекин чизикли тузилма раҳбари тасдиқлаб, қуйи даражага

юборади. У штаб тавсияларини координация қилади, мувофиқлаштиради ва натижада бошқарув сифати хшиланади, лекин вазифалар миқдори кўп бўлса.

Лекин, вазифалар миқдори кўп бўлса, чизикли тузилма рахбари вазифалари ҳам ортади. Шу сабабли, амалиётда бошқа кўшма тузилмалар вужудга келди. Улар орасида энг кенг тарқалгани чизикли-функционал тузилмадир.

Чизикли-функционал структурада, (2.3.4 расм) функционал звенолар қуйи турган бўлинмаларга ўзлари буйруқ бера оладилар, лекин улар компетенциясига таалукли бўлган аниқ белгиланган саволлар бўйича. Масалан, режалаштириш - иқтисодий бўлими цех бошлиғига режалаштиришни ривожлантириш саволлари бўйича буйруқ бериши мумкин, Заводнинг бош бухгалтери эса цехда ҳисоб ва ҳисоботни яхшилаш бўйича ва х.к. Чизикли функционал структурасининг устунлиги унинг бошқарув принципларини буйруқ беришнинг ягоналиги принципи билан узвийлигидадир. Лекин бу устунлик структурада алоқаларнинг мураккаб типлари мавжуд: лойиха бўйича бошқариш; матрицали структура ва бошқалар.

Лойиха бўйича бошқариш ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши билан боғлиқ қайта қуришлар ва янги технологиялар киритилиши зарур бўлган корхона ва ташкилотларда қўлланилади. Бундай қайта қуришни амалга ошириш учун фақатгина шу лойихага жавоб берувчи бошқарув органи тузилади. Бошқарувнинг лойиха бўйича органи вақтинчалик ташкилот ҳисобланади. Унга юклатилган вазифалар амалга оширилгандан сўнг у тугатилади.

Матрицали структура чизикли ва лойиха бўйича бошқарув структураларининг бирлаштирилиши натижасида қурилади. чизикли бошқарув принципи сақланиб қолинади, лойиха бўйича бошқаришга мос равишда эса мавзуларни, илмий изланишлар бўйича дастурлар, лойихалаштириш технологик тайёргарлик экспериментал ишлаб чиқариш маҳсулотини тайёрлаш, сотиш ва х.к.лар ташкил қилинади.

Бошқарувни ташкил қилишнинг матрицали структурасида лойиха ёки дастур раҳбарларининг фаолияти эркинлиги таъминланади, улар олдида қўйилган масалалар мақсадли ҳал қилинади. Ишни ташкил қилиш бўйича раҳбарнинг маъсулияти аниқланади, уларнинг бажарилиш муддати, якуний натижалар бўйича раҳбарнинг маъсулияти аниқланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув аппаратини белгиланган даражада қисқартиришга, бошқарувнинг ҳар-хил даражалари ва ҳар бир звено чегарасида алоҳида даражаларнинг вазифалари ва функцияларини аниқ ажратиш, халқ хўжалиги, корхоналар (фирмалар) тармоқларининг хўжалик мустақиллигини таъминлашга имкон берадиган янги ташкилий структуралар тузилади.

Бошқарувнинг ташкилий структураларини ташкил қилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва типига энг яхши мос келувчи бошқарув аппаратини яратишдан ва бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг ҳар бир звеносининг ишлаб чиқариш-техник, хўжалик ижтимоий ва молиявий фаолиятини бошқариш бўйича ҳамма функцияларни бажарилишининг заруриятидан келиб чиқади. Бу муаммоларнинг ечими бошқарувни ислох қилиш бошқарув ишлари ва функцияларини рационал тақсимлаш бошқарувнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаш бўйича бир қатор тадбирларни ўтказиш орқали амалга оширилади. Мақсад бошқарув назариясининг асосий категориялардан бири ҳисобланади. Бошқарув мақсадларини шакллантириш бошқарувнинг бошланғич, унга эришиш эса якуний босқич ҳисобланади. Бошқариш мақсади бошқарув объекти ва унинг алоҳида параметрларининг исталган ҳолатидир.

Аниқ бир корхона учун бошқарув мақсади аниқ бир маҳсулот турини энг кам ресурслар харажати сарфлаган ҳолда керакли миқдорда ва юқори сифатда чиқаришдан иборат. Мақсадли ёндашув бошқарув органлари ишининг коллектив олдида қўйган мақсадларига эришишга бўйсунити талаб қилади. Бошқарувнинг ҳар бир тағтизими ўзининг мақсадлари (ташкилий, иқтисодий, маркетинг, техник, ижтимоий)га эга, шунинг учун мақсадларнинг мос келиши муаммоси юзага келди. Бошқарувнинг ҳар хил даражалари умумий мақсадга жавоб беришлари, бир-бирини тўлдириб туриши зарур. Мақсадларни тартиблашни усулларида бири мақсадлар даражасини тузиш ҳисобланади.

Мақсадлар ва уларга эришиш воситалари ўртасидаги алоқаларнинг график тасвири.

Умумий мақсадга эришиш учун асосий мақсадга эришиш керак, асосий мақсадга эришиш учун эса, биринчи даражанинг мақсадига эришиш керак ва х.к.

Давлат масалаларини бажаришнинг мақсади аниқловчи ҳисобланади, у илмий техник, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадлар билан узвий боғлиқ.

Мақсадли ёндашув бошқарувнинг замонавий структурасига ўтишга имкон беради. Бу мақсадлар, мақсад ости ва ривожланиш масалалари таркибини ва лойихалаштираётган бошқарув объектини фаолият юргизишни ишлаб чиқсин.

Мақсадлар дарахтини қуришда унинг сифат ва миқдор тавсифини тўғри аниқлаш муҳимдир. Сифат тавсифи бошқарув функцияларининг намоён бўлишининг асоси ҳисобланади, сифат тавсифи эса структурали бўлинмалар (бўлим, цех ва х.к.) турининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Лойихалаштираётган ташкилий структура системаси элементлари олдида

турган мақсад ва вазифалар раҳбарлар ва мутахассислар таркибини асослашга имкон беради, вазифалар номенклатураси эса структурали бўлинмалар ходимлари ўртасидаги вазифалар тақсимланишидир.

Ташкилий структурани лойихалаштиришнинг мустақил методи бўлиб ташкилий-иқтисодий моделлаштириш ҳисобланади. Унинг асосида ижро этувчиларнинг ваколатлари ва маъсулиятининг тақсимотининг график, математик, макетли-деворий тасвири ётади.

Бошқарув ташкилий структурасини шакллантиришда бошқарув поғоналари ва звенолари сони, чизикли ва функционал бошқарувнинг марказлашуви даражаси, бошқарув бўлими ва функциялари таркиби, битта раҳбарга тўғри келадиган бўйсунувчилар сонини асослаш зарур. Бошқарув системасида поғоналар қанча кўп бўлса буйруқни юқоридан пастга ва ахборотни пастдан юқорига узатиш шунча қийин бўлади. Буйруқни ва ахборотни узатиш жараёнида бузилишнинг хавфи шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун бошқарув ташкилий структурасини лойихалаштириш ва мукаммаллаштиришда бошқарув поғоналари сони оптимал бўлишига интилиш зарурдир.

Ҳар қандай ташкилий структуранинг сифати унинг шакллантиришда қуйидагиларга қанчалик амал қилингани билан аниқланади:

- системали ёндашув, яъни бошқарув объекти ва органига таъсир қилувчи иложи борица ҳамма факторларни ҳисобга олиш;
- бошқарув марказлашуви ва бирламчи звенолар мустақиллигининг оптимал бирлиги;
- олий раҳбарлар тўғридан-тўғри ижро этувчига ахборотни бориши ва вақтнинг максимал қисқариши;
- лойихалаштирилаётган структурада ҳар бир таркибий қисмнинг функцияси вазифаси ва ҳуқуқини тўғри аниқлаш;
- бошқарув системасидаги ўзгаришларга жавоб қайтаришнинг имконияти;
- ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қайси бўлинмада ахборот кўп бўлса шу саволни ечиш бўйича бўлинмага ваколат бериш.

Бошқарув аппарати структурасига асосий талаб унинг оперативлигидадир.

Аппарат структураси шунчалик даражада эгилувчан ва оддий бўлиши керакки бошқарув системасида қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш керак.

Оперативлик билан фаолият юргизишнинг ишончилигига боғлиқдир. Бу дегани бошқарув аппарати ахборот узатишнинг тўғрилигига қафолат бериш узатилаётган маълумотларнинг бузилишига йўл қўймаслиги керак, бошқарув системасида алоқанинг узлуксизлигини таъминлаш керак.

Аппарат структураси бошқарув иқтисодини таъминлаши керак. Бунинг маъноси шундаки, бошқарувдан келадиган самара бошқарув аппаратида бўлган харажатларнинг минималлиги орқали эришилсин.

Аппарат структурасига ишлаб чиқариш характерининг ўзи, унинг тармоқли хусусиятлари (ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркиби, тайёрлаш технологияси, ишлаб чиқариш масштаби ва типи, техник жиҳозланганлик ва меҳнат жараёни даражаси ва бошқалар), шунингдек бошқарув ишининг механизацияланганлиги ва автоматтлашганлиги даражаси ишчилар малакаси, улар меҳнатининг самарадорлиги бўйсунувчилар сони ва бошқарувчи томонидан уларни назорат қила олиш имкониятлари ўртасидаги боғлиқлик таъсир кўрсатади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқаруш усуллари бу бошарув субъектининг бошқарув объектига мақсадли йўналтирилган таъсирўтказишнинг усуллари, яъни бошқарувчининг у бошқараётган ишлаб чиқариш коллективига қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида унинг фаолияти координациясини таъминлашдир.

Бошқарув усуллари воситасида иқтисодий жараёнларга ва ишлаб чиқариш қатнашчиларига моддий, молиявий, энергия, меҳнат ресурсларини имкони борича кам сарф қилиб юқори натижаларга эришиш мақсадида таъсир этилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жихатдан бошқарув усуллари мукамаллиги ва тўғри шаклланилиги билан узвий боғлиқдир.

Бошқарув усуллари бошқарув фанида муҳим ўринни эгаллаб, бошқарув қонун ва тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Меҳнат жамоасига таъсир этиш усуллари орасида бошқарув механизми учун бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув объектив қонунлари талабларига мувофиқ келувчиларигина энг мақбул ва мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бунинг моҳияти шундаки, бошқарув усуллари бозор иқтисодиётига мансуб қонунлар тизими билан узвий боғлиқдир.

Бошқарув усуллари ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзгаради. Ташқи омилларга: ташқи ва ички шароит ўзгариши, иқтисодиётни бошқаришда туб ислохотларни амалга ошириш, халқ ҳўжалигининг техникавий қуролланганлик

даражасини бошқариш тизимида ўзгаришлар (иқтисодий ислохотлар, иқтисодиётни бошқаришнинг тармоқ тизимидан ҳудудий тизимига ўтиш ва ҳ.к.) киради. Ички омилларга: жумласига йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш асосида ишлаб чиқариш концентрациясини амалга ошириш; корхона катталиги ўзгариши натижасида унинг бир гуруҳдан иккинчисига ўтказилиши; ишлаб чиқариш ихтисослаштириш даражаси ўзгариши; меҳнатнинг техника билан таъминланиш даражаси яхшиланиши; ишлаб чиқаришни режалаштириш ва жадал тартибга солишнинг мавжуд усуллари тақомиллаштириш ва янгиларини жорий қилиш (тармоқли режалаштириш ва бошқариш; ишлаб чиқаришни узлуксиз тезкор режалаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлаштирилган тизимини қўллаш ва ҳ.к.) киритиш мумкин.

Бошқарув усуллари бевосита ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таъсир этувчи ишлаб чиқариш усули ривожланиши ва жамият ишлаб чиқариш қучлари ўсиши билан ўзгариб боради. Иқтисодиёт муваффақиятли ривожланишда бошқарув усуллари тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бошқарув усуллари иқтисодиётнинг маълум аниқ соҳаларида амал қилишнинг турли йўллари орасидаги умумий ҳодиса сифатида ажратиш мумкин. Масалан, бошқарув даражалари бўйича бошқарув усуллари (давлат секторини бошқариш усуллари, цех, корхона, бирлашма, минтақани бошқариш усуллари), ёки тармоқларни бошқариш усуллари (саноат, транспорт, қишлоқ ҳўжалигини бошқариш усуллари) ҳақида сўз юритиш мумкин. Шунингдек, турли субъектлари томонидан қўлланиладиган бошқарув усуллари ажратиб кўрсатиш мумкин. Давлат бошқаруви усуллари жамоат ташкилотларини бошқариш усуллари. Ёки иқтисодиётнинг айрим соҳаларида қўлланиладиган бошқарув усуллари (ишлаб чиқаришни, молиявий соҳани, фан ва маорифни бошқариш усуллари)ни ҳам кўзда тутиш лозим.

Бошқарув ташкилотлари тизими билан турли-туманлиги бу ташкилотлар фаолияти усуллари ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ерда сўз вазирликлар, ассоциациялар, акционерлар жамияти, давлат қўмиталарини бошқариш усуллари ҳақида сўз боради.

Ва нихоят, турли туркумга кирувчи ишловчилар бошқарув фаолиятида менежерлар, директорлар, бўлимлар бошлиқлари томонидан қўлланиладиган бошқарув усуллари ажратиб кўрсатиш мумкин. Демак, бошқарув назария ва амалиётида турли бошқарув усуллари мавжуддир. Улар бошқарув усуллариининг ҳар бир гуруҳи ҳў хўсўсиятларига эга бўлган тизимни ташкил этган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- ✓ иқтисодий,
- ✓ ташкилий,
- ✓ ижтимоий,
- ✓ психологик
- ✓ ҳуқуқий.

Бошқарувнинг бу усуллари ўзаро узвий боғлиқдир, шу сабабли уларнинг бирортасига ортқча аҳамият бериш бутун ишлаб чиқаришнинг нормал бориши бузилишига олиб келади. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётини бошқаришнинг иқтисодий усуллари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари. Бошқарувнинг иқтисодий усуллари кишиларга иқтисодий манфаатлар орқали таъсир кўрсатади.

Иқтисодий усулларнинг моҳияти ходимлар ва ишлаб чиқариш жамоасига улар манфаати бўлишини таъминловчи иқтисодий шароит яратишдан иборатдир. Бошқарув усуллари тизимида иқтисодий усуллар етакчи ўринни эгалайди.

Иқтисодий усуллар иқтисодий таъсир воситалари йиғиндисидан (нарх, кредит, бизнес-режа, фойда, солиқлар, иш ҳақи, иқтисодий рағбатлантириш ва х.к.), яъни хўжалик фаолиятига таъсир этишнинг ҳар бир жамоа мос хўжалик бўғини билан узвий алоқада амал қилишини таъминловчи тадбирларидан иборатдир.

Бозор механизмнинг муҳим вазифаларидан бири бизнес режа ва бозорнинг узвий боғлиқ бўлишига имкон яратувчи пул ва товар ресурслари тўғри нисбатини таъминлашдир.

Бозор - бу товар-пул муносабатларининг доимо сақланувчи балансидир. Бозор муносабатлари шароитида режали иқтисодиётга нисбатан қатъий бошқарув тизими ўрнатилади. Бозор тамойиллари хўжалик раҳбарларидан ташаббускорлик, корхона фаолияти масалалари бўйича юқори натижаларга эришиш мақсадида қайишқоқлик, таваккалчиликни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти маъмурий-бўйруқбозлик тизимига нисбатан қарама-қарши тизим бўлиб, бозорда нарх, солиқ, кредит воситасида тартибга солиш энг аввало ижтимоий мақсадда амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх ва иш ҳақи ўзгаришни қатъий тартибга солмай барқарорликка эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий усуллари жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, улар моҳирона ва ўз вақтида ташкилий-фармойиш, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий усуллар билан қўшиб олиб борилган тақдирда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Корхоналар, акционер жамиятлари, фирмаларда муҳим бошқарув усулларидан бири - бизнес-режалардир. У иқтисодий жараёнларни умуммиллий манфаатларни кўзлаб, хўжалик амалиётида объектив иқтисодий қонунлардан фойдаланиш асосида, онгли равишда, бир мақсадга интилган ҳолда бошқаришнинг ўзаро узвий боғлиқ тизимидан иборатдир.

Бизнес-режа воситасида ҳал этиладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт ривожланиши йўналишлари ва мақсадларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиш
- иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб бўлишини таъминлаш,
- моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш,
- фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни таъминлаш;
- тармоқларaro интеграция, тармоқ ичида ихтисослашув ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тезкор тартибга солиш ва координация қилиш.

Бизнес-режа корхона, акционерлар жамияти, концернлар фаолиятининг ҳамма томонларини: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш; моддий-техникавий таъминот ва ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш, меҳнат ва иш ҳақи, жамоада ижтимоий жараёнлар ва х.к.ларни қамраб олади. Бозор муносабатлари шароитида уларга режалаштириш борасида кенг ҳуқуқлар берилади.

Бошқарувнинг ташкилий фармойиш усули. Хўжалик ташкилотларининг ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича фаолияти бошқарувнинг турли ташкилий-фармойиш усулларини қўллаш билан боғлиқдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар самарали фаолият юритишини таъминловчи таъсир этиш тизимидан иборатдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари иқтисодий усулларни тўлдириб, бозор иқтисодиёти қонунлари. Ҳуқуқий актларни ҳисобга олиш ва бажаришга асосланади.

Давлат махсус тузилган бошқарув ташкилотлари воситасида бошқариладиган тизимга маъмурий ва ташкилий жихатдан таъсирўтказади.

Бошқарув тизимида ташкилий усуллар умумий мақсадга эришиш учун ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати тартибга солинадиган маъмурий ҳужжатлар асосида амалга ошади. Ташкилий-фармойиш усулини қўллаш асосини бошқарувнинг барча тамойиларига риоя қилиш ташкил этади.

Нима сабабдан бошқарувнинг маъмурий-фармойиш усуллари маъмурий шакллар билан қўшиб олиб борилади. Бу кўп ҳолларда ташкилий таъсир маъмурий ҳуқуқни қўллаш, яъни қарор ва фармойишларни амалга оширишга асосланади. Лекин, «бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усули» тушунчаси «маъмурий бошқарув усули» тушунчасидан бир мунча кенгдир, чунки ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувнинг турли даражаларига турли қўламда ва шаклда ташкилий таъсир этишниўрганиш масалаларини ҳам қамраб олади. Ташкилий-фармойиш усуллари ташкилий аниқликни таъминлайдилар, ташкилий тизим, бошқарувнинг ҳар бир бўғини вазифаларини белгилаб беради, бошқарув аппарати интизومي ва фаолияти самарадорлигини таъминлайди, ишда тартибўрнатади, қарор.

Фармойишларни бажаради, кадрларни танлайди ва жой-жойига қўяди ва ҳ.к. Бошқарувнинг ташкилий фармойиш усуллари уларнинг ишлаб чиқарувчиларга таъсир этиш манбаалари ва йўналишлари бўйича турларга ажратилади. Бунга боғлиқ ҳолда таъсир этишнинг ташкилий-фармойиш усуллари уч гуруҳга бўлинади: ташкилий-барқарорлаштирувчи, фармойиш ва интизом.

Таъсир этишнинг ташкилий-барқарорлаштириш усуллари асосий мақсади ҳамкорликда ишлаш учун ташкилий асос яратишдир, яъни, вазифа, мажбурият.

Жавобгарлик ва ваколатларни тақсимлаш, тартибўрнатиш ва ҳ.к. Маъмурий таъсирнинг ташкилий шакллариининг икки ташкилий регламентлаш ва ташкилий меёрлаш тури мавжуд. Ташкилий регламентлаш воситасида давлат бошқарувчи ва бошқариладиган тизимга уларнинг мақбул нисбатини, ташкилий тизимини ва ҳар бир даражада бошқарув чегараларини аниқлаш мақсадида таъсир этади. Ташкилий регламентлашга мисол қилиб лавозимлар ҳақида Низомни кўрсатиш мумкин. Ташкилий меёрлаш ҳужжатлари воситасида хом-ашё, материаллар сарфини меёрлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришга меҳнат сарфи ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш техникавий ва технологик меёрлар (стандартлар, меёрлар, қайта ишлов бериш усули, тартиби ва ҳ.к.) ишлаб чиқаришини ташкил этиш меёрлари (мақбул ишланма қўлами).

Таъсир этишнинг фармойиш усуллари чекловчи ҳужжатларда кўзда тутилмаган мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда кундалик жадал бошқариш мақсадида қўлланилади. Фармойиш таъсирининг асосий мақсади бошқарув аппаратининг аниқ ҳаракати, бошқарувнинг барча бўлинма ва хизматлари барқарор ишлашини таъминлаб беришдан иборат. Таъсир этишнинг фармойиш усуллари буйруқ, фармойиш, кўрсатма ва бошқа меёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Буйруқ - бу раҳбарнинг қўл остидаги ходимлардан маълум вазифани бажаришни ёзма ёки оғзаки равишда алаб қилишидадир. Буйруқ фақат чизикли бошқарув тизими раҳбари томонидан берилади. Фармойиш – ходимлардан айрим ишлаб чиқариш ва хўжалик масалаларини ҳал этишни талаб қилишдир.

Фармойиш бошлиқўринбосарлари, хизматлар бошлиқлари, улар эга бўлган ваколатлари доирасида берилади. Бошқарув амалиётида қўлланиладиган таъсир қилиш усулларида бири - оғзаки кўрсатмадир. Таъсир қилиш усулларида бири - оғзаки кўрсатмадир. Таъсир этишнинг бундай шаклини барча даражадаги раҳбарлар, лекин кўпинча қуйи даражадаги командирлар, бригада бошлиқлари, усталар қўллайдилар.

Фармойиш воситасида таъсир этиш бажариш муддатлари билан фарқ қилади. Буйруқ ва фармойишлар узоқ ёки қисқа муддатда мўлжалланган бўлади.

Ҳар бир буйруқ ёки фармойишда қандай вазифа бажарилиши, қачон бажарилиши кераклиги белгиланади. Таъсир этишнинг фармойиш усули ташкилий таъсирга нисбатан унинг бажарилишини назорат қилишни кўпроқ талаб этади. Ижро этишнинг бориши назорат қилингандан сўнг яна фармойиш билан таъсир этишга эҳтиёж туғилади. Фармойиш усулининг қўлланиш қўлами бошқарув кадрлари малакаси, ташаббускорлиги ва қобилиятига боғлиқдир.

Корхонани бошқаришда фармойиш билан таъсир этиш фақат қонунга зид бўлмаган ҳолдагина бажарилиши қатъий бўлган ҳуқуқий кучга эга бўлади.

Шу сабабли барча тизимдаги ташкилий-фармойиш фаолияти мавжуд қонунчиликка бўйсунган ҳолда амалга ошириш лозим.

Интизомий таъсир усуллари ташкилий барқарорлаштирувчи ва фармойиш воситасида таъсир этиш усулларини тўлдириб, интизомий талаблар ва мажбуриятлар тизими воситасида ташкилий алоқалар барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари - бу ишлаб чиқарувчи ва айрим шахсларга уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларига таъсир этиш билан бошқариш воситасидир. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларини қўллаш корхонада юз бераётган ижтимоий ҳодисаларни чуқур ўрганиш ходимлар нерв системаси кайфиятига таъсир этувчи психологик (рухий) омилларни билишни талаб этади.

Ишлаб чиқариш шароитида социология кишилар ижтимоий алоқаси шаклланишининг асоси бўлган меҳнат омилларини ўрганади, ижтимоий тизимлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш тизими ривожланиши ва амал қилиш қонуниятлари, кишиларнинг жамиятнинг турли қатламидаги ҳуқ-атвори қонуниятларини тадқиқ қилади. ижтимоий психология гуруҳ ва омма психологиясининг хусусиятлари, уларнинг шахснинг онги ва ҳуқига таъсири, кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар, кайфият, ижтимоий фикрни шакллантирувчи омилларни ўрганади. Шахс психологияси олий нерв фаолияти турлари ва инсон темпераменти, характери, шахснинг иродаси, қобилияти, ҳиссиёти, хотираси, англаш ва ҳис этиш қобилиятини ўрганади, меҳнат психологияси меҳнат фаолиятлари, шу жумладан, раҳбар ва мутахассислар (касбий хусусият ва қобилиятлари, кадрларни ўқитиш усуллари, иш ва дам олиш тартиби, кадрларни танлаш ва баҳолаш усуллари, меҳнат жараёнининг психологик жиҳатлари) фаолиятини ўрганади.

Кишилар фикрлаш усулида ўзгариш юз бериши ва улар маданий ҳамда билим даражаси ортиб бориши билан ижтимоий-психологик усуллар аҳамияти ҳам ортиб боради. Бундай шароитда шахснинг эҳтиёж ва манфаатлари маънавий соҳа томон ўзгариб боради. Ўз меҳнатидан қониқишнинг муҳим омили бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг раҳбар билан ўзаро яхши муносабати ишлаб чиқаришдаги қулай ижтимоий-психологик вазият хизмат қилади. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари ишлаб чиқаришда мавжуд ижтимоий механизмни (ўзаро муносабат тизими, ижтимоий эҳтиёжлар) қўллашга асосланади. Бошқарувнинг ижтимоий усуллари ижтимоий тартибга солиш воситасида амалга оширилади.

Ижтимоий тартибга солиш усуллари турли гуруҳлар ва шахслар мақсади ва манфаатларини аниқлаш ва ростлаш йўли билан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва уйғунлаштириш мақсадида қўлланилади.

Улар жумласига ижтимоий ташкилотлар низомлари, шартномалар, ўзаро мажбуриятлар, ишчиларни танлаш, тақсимлаш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш тизими киради. Ижтимоий тартибга солиш усуллари инсон омили фаоллигини ошириш, бошқарувни демократлаштириш мақсадида ҳам қўлланилади.

Бошқарувнинг психологик усуллари жамоада мақбул психологик ҳолат ташкил этиш йўли билан кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Психологик усулларга кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш, меҳнатни инсонийлаштириш, малакали кадрлар танлаш ва уларни ўқитиш ва ҳ.к.лар киради.

Кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш усулини қўллаш кичик гуруҳдаги ишчилар ўртасидаги мақбул миқдорий-сифат нисбатини аниқлаш имконини беради.

Меҳнат фаолиятини инсонийлаштириш деганда ранглар, мусиканинг рухий таъсиридан фойдаланиш, бир хил ўзгармас меҳнатни бартараф этиш, ижодий ёндашувни кенгайтириш тушунилади.

Касбий танлашнинг моҳияти - кишиларнинг рухий хусусиятлари улар бажарувчи ишларига энг мос бўладиган қилиб танлашдан иборат. Шахснинг рухий хусусиятлари жумласига унинг қизиқиш ва майллари, қобилияти, темперамент ва характери киради. Шу сабабли, раҳбар шахсга раҳбарлик қилганда ўз олдига инсон рухий хусусиятлари шаклланиши ва ривожланишини ўрганиши, унинг қизиқиш ва қобилияти, темперамент ва феълини билиш вазифасини қўйиши керак.

Шахснинг рухий хусусиятларини инсон фаолиятида ажратиб тушуниб бўлмайди, чунки киши қобилияти ва феъли хусусиятлари унинг фаолияти ва ҳуқида намоён бўлади. Инсон ҳаёти ва оммавий

фаолияти унинг рухий ҳолатини шакллантиради. Инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нима билан шуғулланишини билмай вужудга келганлиги, у ёки бу нарсага қобилият ривожланганлиги, феъли шаклланганлигини англаб бўлмайди.

Инсон аввалоўзини ижодий шахс сифатида баҳолайди. Ишчи меҳнатга бундай нуқтаи назардан қарашга дарров келмайди: моддий эҳтиёжлар бирламчи бўлиб, улар қониққандан сўнг нисбатан юксак инсоний эҳтиёжлар илгари сурилади.

Инсон фаолияти маълум рағбатлантирувчи омилларга асосланган бўлиб, маълум мақсадга эришишга қаратилгандир. Рағбатлантирувчи омил – мақсад муносабати инсон фаолиятиўзигидир. Умумий маънода рағбатлантирувчи омил - бу инсонни фаолият юритиш учун ундовчи омил бўлиб, мақсад эса инсон уни амалга ошириш натижасида эришишни хоҳлаган нарсадир.

Рағбатлантирувчи омил киши ҳулқининг ички кучидир. Психологияда узоқ ва қисқа рағбатлантирувчи омил ажратилади. Агар инсон фаолиятини рағбатлантирувчи омил ваўз олдига қўйган мақсад якин келажакка мўлжалланган бўлса, у қисқа муддатли, агар улар узоқ истикболни қамраб олса узоқ муддатли дейилади. Рағбатлантирувчи омил даражаси билан инсоннинг меҳнатга, ютуқ ва муваффақиятсизликка нисбатан бўлган муносабати узвий боғлиқдир. Фақат узоқ муддатли рағбатлантирувчи омил меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш манбаидир.

Раҳбарга хос бўлган муҳим хусусият кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омилларни яхши билиш, ҳар бир кишини у ёки бу вазифани бажаришга қизиқтира олишдир. Бу айниқса, у ёки бу корхонага ишга кириб, уларни келажакда нима кутишини билиш лозим бўлган ёшлар билан ишлашда муҳимдир. Раҳбар ишини ким ва қачон қайси скрипкани чалиши, қайси асбобда мусиқа чалишиниўрганган, ким нотўғри чалиши мумкинлиги, кимни қайси ерга қўйиш кераклигини билиши лозим бўлган дирижер меҳнати билан солиштириш мумкин.

Киши рухий хусусиятларнинг у бажарувчи иш талабларига мос келмаслигиўз касбидан қониқмаслик униўзгартиришга ҳаракат қилишга, ҳато қилиш эҳтимоли ортишига ва натижада меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади, аксинча, агар инсонўз қобилиятини тўлиқ намоён қила олувчи иш билан банд бўлса, уўз меҳнатидан мамнун бўлади, касбни тез эгаллайди ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

Инсон учун фақат моддий рағбат муҳим деб ҳисоблаш нотўғри. Унга жуда кўп нарса катта умумий ишдаўз ҳиссаси борлигини ҳис этиш,ўзини меҳнат орқали намоён этиш,ўз малакаси билан ғурурланиши,ўртоқлари ҳурматига сазовор бўлиш ва х.к.лар ҳам муҳимдир. Кўпчилик кишилар шахсий фаровонликка бошқалар ҳисобига эришилган шахсий муваффақият орқали эмас, мамлакат иқтисодиётига қўшган меҳнати ҳисобига эришиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Иزلанишлар меҳнат ва меҳнатга нисбатан муносабатга таъсир этувчи рағбатлантирувчи омиллар қуйидаги тартибда тақсимланишини кўрсатди:

- меҳнат моҳияти,
- иш ҳақи,
- юқори лавозимга эга бўлиш имконияти,
- ишнинг
- қизиқарлилиги,
- меҳнатни ташкил этиш,
- маъмуриятнинг ишчига нисбатан муносабати.

ХУЛОСА

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий даромад бирлигига ҳисоблаганда бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда ёнилғи, электроэнергия, металллар сезиларли даражада кўп сарфланаяпти. Бу эса катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишда ресурсларнинг тақчиллигига олиб келади. Шунинг учун, мамлакат машинасозлигини тубдан замонавийлаштириш зарур. Бу эса фан-техник тараққиёти негизида бутун халқ хўжалигини реконструкция қилишнинг муҳим шартидир. Бунга эришишга қаратилган узоқ муддатли, стратегик мақсадлар аҳолининг зарурий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш билан уйғунлашмоғи лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши кўп ҳолларда асосий фондлардан яхшироқ фойдаланишга боғлиқ бўлади. Мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ускуналарни максимал даражада иш билан таъминлаш, унинг сменалигини кескин ошириш ва шу асосда ҳар бир ускуна бирлигига ва ҳар бир метр квадрат ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини ошириш зарур.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштирувчи ва унинг самарадорлигини оширувчи омиллардан бири - иқтисодийнинг структурасини такомиллаштириш. Фан-техника тараққиётини таъминлайдиган ва ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қиладиган тармоқларни нисбатан юқори даражада ривожлантириш зарур.

Инвестицион сиёсат капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган. Маблағларни фан-техника тараққиётини тезлаштиришни таъминловчи тармоқлар фойдасига қайта тақсимлаш лозим. Маблағларнинг катта қисми фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга ва реконструкция қилишга йўналтирилиши керак.

Халқ хўжалигининг барча тармоғида фан-техника тараққиётининг асоси ҳисобланган машинасозлик тезкор ривожлантирилиши лозим. Бунда асосий эътибор станоксозлик, электротехника саноати, микроэлектроника, ҳисоблаш техникаси, приборсозлик, информатика индустриясига қаратилиши керак.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни таркибий қайта куриш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим: халқ истеъмоли товарлари ва барча турдаги хизматлар ишлаб чиқаришни тезкор оширишни таъминлаш; кичик корхоналарни ривожлантириш; ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш; ишлаб чиқариш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш; транспорт, электр, нефт ва газ таъминоти тизимини ҳамда алоқа ва ахборот таъминотини яхшилаш.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий ўринлардан бирини (бошқарувни ўз ичига олувчи) ташкилий-иқтисодий омиллар эгаллайди. Ижтимоий ишлаб чиқариш масштабининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан унинг роли ортиб боради. Энг аввало, бу ишлаб чиқаришнинг рационал шакллари ривожлантириш ва такомиллаштириш демакдир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Уни ривожлантириш

талаб қилинади. Бу бошқариш, режалаштириш, барча хўжалик механизмларини иқтисодий рағбатлантиришнинг усуллари ва шакллари тақомиллаштириш; режалаштиришда - режаларнинг баланслашганлиги ва ҳаққонийлиги, халқ хўжалигининг қуйи бўғинларига тўсқинлик қилмасдан, фаолияти учун имкониятлар яратадиган режали кўрсаткичларнинг оптимал тузилган тизимини яратишни тақозо қилади. Ушбу омиллар тизимига қуйидагилар ҳам киради: тижорат ҳисоби ва моддий рағбатлантириш дастаклари, моддий жавобгарлик ва бошқа иқтисодий рағбатларнинг кенг қўлланилиши.

Эркин бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи барча омилларнинг таъсир қилиш имконияти сезиларли ўзгаради. Халқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар амалга оширилади, - у истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, унга мослаштирилади; халқ хўжалигининг муҳим тармоқлари - саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа юқори технологиялар асосида замонавийлаштирилади; жаҳон фан-техника тараққиёти даражасига тенглаштирилади; ҳарбий ишлаб чиқариш конверсияланади; турли мулк шакллари (давлат, хусусий, акционерлик ва жамoa мулкчилигига) асосланган кўп укладли иқтисодиётга ўтилади; хўжалик юритишнинг барча шакллари эркин ривожлантирилади; иқтисодиёт молиявий соғломлаштирилади; мамлакат халқаро алоқаларга узвий боғланади.

Юқорида таъкидланганлар натижасида бошқариладиган, маданиятли бозор хўжалиги шаклланади. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига, жами ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, миллий бойликнинг ортишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- + И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., Ўзбекистон, 2009.
- + И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.
- + И.А.Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтishнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1995.
- + И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболнинг тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995.
- + Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги қонун. 1990 йил 31 октябр. - Ўзбекистон ССР Олий Советининг Вedomостлари, 1990 йил №31-33.
- + Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
- + Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги қонуни. «Солиқ тўловчинини журнали», №2, 1999.
- + Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни «Солиқ тўловчинини журнали» №9, 1998 йил 30 апрел.
- + «Банк тизимини ислох қилишга доир қушимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2000 йил 24 март. Ўзбекистон республикаси ҳукуматининг қарорлари туплами. – 2000 №3.-Б.31-33.
- + «Қимматли қўғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон республикасининг 2001 йил 30 қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001 йил 9-10- сон. – Б.111-118.

Шунингдек UZREPORT.UZ ва ZIYONET.UZ сайтларидан фойдаланилди.